

**ИЖТИМОЙ-МАЪНАВИЙ
ЖАРАЁНЛАРГА ОИД
111 САВОЛГА 111 ЖАВОБ**



ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2022

УЎК: 316.4
КБК: 60.56(5Ў)
К 30

К 30 **Кахарова, М., Сувонов, И.**

Ижтимоий-маънавий жараёнларга оид: 111 са-
волга 111 жавоб [Матн] / М. Кахарова, И. Суво-
нов. – Тошкент: «Маънавият», 2022. – 64 б.

ISBN 978-9943-04-451-7

М а съ у л м у х а р р и р:
Олимжон Давлатов – Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар
институти директори

Т у з у в ч и л а р:
фалсафа доктори (PhD) Кахарова М.
фалсафа доктори (PhD) Суванов И.

Кундалик ҳаёtingизда жамиятда ижтимоий-маънавий жараён-
ларга оид кўплаб саволларга дуч келасиз. Қўлингиздаги рисоладан
ана шу саволларга жавоб топасиз, деган умиддамиз. Рисола барча
соҳа раҳбар-ходимлари, тадқиқотчилар, талабалар фаолиятида фой-
даланиш учун керакли манба бўлиб хизмат қиласи.

ISBN 978-9943-04-451-7

© «Маънавият», 2022



КИРИШ

Бугунги кунда дунёнинг айрим минтақаларида тобора кескинлашиб бораётган қонли можаро ва зиддиятлар хавфи биздан доимий огоҳ ва хушёр бўлишни талаб этмоқда. Чунки, дунёда кескин сиёсий кураш ва кучли рақобат ҳукм суриб, ҳалқаро майдонда манфаатлар тўқнашуви кундан-кун кучайиб бормоқда. Айниқса, глобаллашув жараёнлари инсоният учун бекиёс янги имкониятлар билан бирга кутилмаган муаммоларни ҳам келтириб чиқараётганига асло бефарқ қараб бўлмайди. Бундай хавф-хатарлардан бизнинг минтақамиз ҳоли эканлигига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Қўшини давлатларда содир бўлган ва салбий таъсири ҳали ҳануз давом этаётган воқеаларга барчангиз яхши гувоҳ бўлдингиз. Бу каби жараёнлар трансчегаравий таҳдидларнинг янги йўналишларини олдинга олиб чиқмоқда.

Ҳозирги кунда ахборот хуружлари ва мафкуравий таҳдидлар аҳолининг маълум бир қатлами, айниқса, ёшларнинг қарашларини ўзларига маъқул бўлган йўналишга ўзгартириш, ахлоқсизлик, боқимандалик, лоқайдлик, беписандлик, масъулиятсизлик каби иллатларни сингдиришга уриниш ҳолатлари учраб турибди. Бу каби иллатлар жамиятнинг ижтимоий-маънавий муҳитига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Шу ўринда, жамиятдаги ижтимоий-маънавий муҳит, деган жумлага таъриф бериб ўтсак.

Жамиятдаги ижтимоий-маънавий муҳит – кенг маънода одамларнинг ижтимоий-иктисодий ишлаб чиқаришдаги муносабатлари, ижтимоий-маънавий онгни

белгиловчи омиллар мажмуи (мақромуҳит). Тор маънода, инсон бевосита яшайдиган, меҳнат қиласидиган оила ва жамоа, ўкув даргоҳи, маънавият ва маданият масканларини ўз ичига олади (миқромуҳит).

Демак, бугунги кунда жамиятимиздаги ижтимоий-маънавий муҳит соғломми ёки носоғломми? деган масала бизни ўйлантирмоқда. Соғломлик даражасини қандай аниқлаймиз, соғломлаштириш механизмини яратилиши зарурми? каби саволларга мутахассислар ўз жавобини бериши керак. Чунки, бугунги кунда жамиятнинг ижтимоий-маънавий муҳитига юқорида келтирилган иллатларнинг таъсирида одамлар ўртасида зиддиятлар келиб чиқиши эҳтимоли юқори. Албатта, бу одамларнинг илмсизлигидан юзага келади. Шу сабабли, илм – инсонни камолотга етакловчи, унга нажот берувчи буюк неъмат, дейилади. Имом Бухорийнинг ўн икки аср аввал «Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмагай» деган фикрлари бежиз айтмаганини исботидир.

Бугунги кунда дунёда илмсизлик ва жаҳолат оқибатида юзага келаётган экстремизм ва терроризм каби балолар барчани ташвишга солиб келаётгани айни ҳақиқат. Буни олдини олиш учун эса аҳоли, айниқса, ёшлиарни илмли, маърифатли қилиш, маънавиятини юксалтириш жамиятимиз, зиёлilarимиз олдида турган кечиктириб бўлмас вазифа эканлигини ҳис этмоқдамиз. Шу мақсадда, ижтимоий-маънавий жараёнларга оид 111 саволга 111 жавоб рисоласи тайёрланди. Зоро, маънавий юксак ва илмий жиҳатдан салоҳиятли авлод жамият таянчи бўлишини Давлатимиз раҳбари кўп бора таъкидламоқда. Касб, ҳунар ўрганиш учун ҳам илм керак. Тарихда аждодларимиз ҳам ҳар бир касбни илму маънавияти билан ўрганишган. Бирор-бир касб-хунар йўқки, унинг ўзига хос ахлоқи, маданияти ва рисоласи бўлмаса. Ҳатто, ҳаммоллик маданияти, маънавияти ва

мафкураси бўлган. Бир ишни мукаммал бажарган инсонни аждодларимиз бежизга рисоладагидек бажарган, дея сифатламаган.

2021 йил 19 январдаги Республика Маънавият ва маърифат кенгаси йигилишида давлатимиз раҳбари касб маънавияти тўғрисида тўхталган эди. Ҳар бир раҳбар, ходим, тадбиркорда ҳам маънавияти бўлиши кераклиги таъкидланди. Айниқса, маънавият ва маърифатни тарғиб қиласиган мутахассисларимизнинг билимлари, салоҳияти, тажрибаси етук бўлмоғи зарурлигини бугунги кун кўрсатмоқда.

Жамоатчилик ва кент китобхонлар оммасига мўлжалланган мазкур рисола жамиятда ижтимоий-маънавий жараёнлар иштирокчиси бўлган барча соҳа раҳбар, ходим ва мутахассисларини қизиктираётган саволларга ечим бўлиб хизмат қиласи.



САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР



1. Авесто қандай китоб ва нималар тўғрисида маълумот беради?

Авесто – Зардуштийликнинг муқаддас китоби. Асосан қадимий орий тилида битилган. А. 30 коҳин томонидан 12 минг сигир терисига ёзилган. Плинийнинг (III аср) маълумотига қараганда, у 2 миллион байтдан иборат бўлган. Авесто тўрт қисмдан иборат:

1. Ясна – ибодат матнлари ва мадҳиялар. 72 бобдан иборат, шундан 17 боби мадҳиялар ҳисобланади.

2. Яшт – Ахурамаздани улуғловчи мадҳиялардан иборат. Бу қисм саж йўли билан ёзилган.

3. Вендиод – бутун оламни яратувчиси сифатида Ахурамаздани улуғлайди. Жумладан, оташда, яъни оловда унинг зухури мавжудлиги айтилади.

4. Виспарад – қонунлар мажмуаси. 25 бобдан иборат. Панду насиҳатлар ва ибодатлар йиғиндисидир.

У дастлаб, кўхна даврларда «Авесто»да ўз талқинини топган ҳаётий гояда мужассам эди, десак тўғри бўлади. Айни шу орзу «Эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал» таомойлигинг халқ тафаккури ва турмуши тарзидан мустаҳкам ўрин олишига сабаб бўлди. Шу тариқа эзгулик ва инсонпарварликни Ҳимоялаш халқимиз менталитети ва маънавиятининг муҳим таркибий қисмига, ҳаётий фаолиятининг асосий йўналишига айланди. (Ш.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон – тараққиёт стратегияси. 15-бет)

Авестода қариндошларни бир-бири билан оила қуриши ман этилган. Чиқиндилар кўмиб ташланган, яъни очик ётмаган. Қатор касалликларни иссиқлик ва совук-

ликни бир-бири билан алмаштириш орқали йўқотиш йўллари кўрсатилган.

Шунингдек, табобат рамзи, яъни «жомга ўралган илон» Авестодан олинган.



2. «Аёллар дафтари» қандай дафтар ва унга кимлар киритилади?

Аёллар дафтари — ижтимоий, иқтисодий, хуқуқий, психологик қўллаб-кувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бўлган, ишсиз хотин-қизларнинг муаммоларини аниқлаш, бартараф этиш ва назоратини олиб бориш бўйича маълумотлар базаси.

«Аёллар дафтари»га 30 ёшдан ошган қўйидаги тоифадаги хотин-қизлар киритилади:

1. Ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизлар – бандлиги Таъминланмаган, ишлаш истагида бўлган ва даромад манбаига эга бўлмаган эҳтиёжманд хотин-қизлар;

2. Тадбиркорлик қилиш истагида бўлган эҳтиёжманд хотин-қизлар – бандлиги таъминланмаган, тадбиркорлик қилиш истагида бўлган эҳтиёжманд хотин-қизлар;

3. Боқувчиси бўлмаган эҳтиёжманд хотин-қизлар – боқувчиси вафот этган, жазони ижро этиш муассасаларида сакланаётган, руҳий касалликка чалинган, I-II гуруҳ ногиронлиги бўлган ҳамда доимий даромад манбаига эга бўлмаган, бедарак йўқолган (суд қарорига асосан) эҳтиёжманд хотин-қизлар, шунингдек, никоҳи бекор қилинган эҳтиёжманд хотин-қизлар ва эҳтиёжманд ёлғиз оналар (ФХДЁ органларининг маълумотномаси асосида);

4. Ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган, шунингдек, тезкор тиббий муолажага муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар – меҳнатга лаёқатсиз, ўзгалар парваришига, шунингдек, тезкор тиббий муолажага муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар;

5. Уй-жойга муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлар – нотурар жойларда истиқомат қилаётган, доимий яшаш учун турар жойи бўлмаган, бир хонадонда (кичик ховлида) уч ва ундан ортиқ оила яшаётган (уй-жой майдони белгиланган ижтимоий нормадан кам бўлган), бироқ ўзининг ёки биргаликда яшовчи оила аъзоларининг номида турар жой мавжуд бўлмаган, хусусий уй-жой фондида ижара ҳуқуқи асосида истиқомат қилаётган эҳтиёжманд хотин-қизлар;

6. Қарамоғида ногиронлиги бўлган фарзанди мавжуд эҳтиёжманд хотин-қизлар – ногиронлиги бўлган вояга етмаган (I гуруҳ ногиронлиги бўлган фарзанди ёшидан қатъий назар) фарзандини бевосита парваришаётган эҳтиёжманд хотин-қизлар.

Бунда «Аёллар дафтари» рўйхатига киритиладиган хотин-қизлар юқоридаги тоифалардан фақат бирига киритилиши мумкин.

Хотин-қизларнинг муаммолари, эҳтиёжлари ва қизиқишлари кўйидаги шаклларда ўрганилади:

- секторлар ишчи гурухлари ва маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари томонидан маҳаллаларда фуқаролар йиғинлари раислари ва фаоллари билан биргаликда барча йўналишдаги муаммоларни ҳар йили январь ойида уйма-уй юриш орқали;
- хотин-қизларнинг мурожаатлари, шу жумладан, «Аёллар маслаҳат кенгаши» ва «Аёллар дафтари» ахборот тизими орқали.
- «Аёллар маслаҳат кенгаши»га ва ахборот тизими орқали мурожаат қилинган ҳолатда, анкета-сўровномалар маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари томонидан тўлдирилиб, сектор ишчи гурухига тақдим қилинади. Секторлар раҳбарлари ва туманлар (шахарлар) оила ва хотин-қизлар бўлимлари биргаликда муаммоларнинг ҳаққонийлигини ўрганади ва ҳар ойда ўрганилган ва

«Аёллар дафтари»га киритилиши керак бўлган хотин-қизлар рўйхатини халқ депутатлари туман (шахар) Кенгашига тақдим этади.

«Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларни қўллаб-кувватлаш қўйидаги йўналишларда амалга оширилади.

1) Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ ишсиз хотин-қизлар учун:

- бандлигини таъминлаш;
- зарур ҳолларда, сектор раҳбари хуносаси асосида бир марталик моддий ёрдам бериш;

2) Тадбиркорлик қилиш истагида бўлган эҳтиёжманд хотин-қизлар учун:

- тадбиркорликни йўлга қўйишга кўмаклашиш;

3) Боқувчиси бўлмаган эҳтиёжманд хотин-қизлар учун:

- бир марталик моддий ёрдам бериш;
- зарур ҳолларда, сектор раҳбари хуносаси асосида оғир турмуш шароитидаги (уй-жойи таъмирлашга муҳтоҷ, бироқ оиласининг моддий имконияти етмайдиган) хотин-қизларнинг уй-жойини таъмирлаш;

4) Ижтимоий ёрдамга муҳтоҷ I ва II гурӯҳ ногиронлиги бўлган, шунингдек, тезкор тиббий муолажага муҳтоҷ эҳтиёжманд хотин-қизлар учун:

- бир марталик моддий ёрдам бериш;
- зарур ҳолларда, сектор раҳбари хуносаси асосида оғир турмуш шароитидаги (уй-жойи таъмирлашга муҳтоҷ, бироқ оиласининг моддий имконияти етмайдиган) хотин-қизларнинг уй-жойини таъмирлаш;
- тиббий муолажага муҳтоҷ эҳтиёжманд хотин-қизлар учун зарур тиббий ёрдамлар кўrsatiш;

5) Уй-жойга муҳтоҷ эҳтиёжманд хотин-қизлар учун:

- ижара компенсациясини тўлаш, ижтимоий уйларга жойлаштириш, уй-жой билан таъминлаш;

- зарур ҳолларда, сектор раҳбари хulosаси асосида бир марталик моддий ёрдам бериш;
- 6) Қарамоғида ногиронлиги бўлган фарзанди мавжуд эҳтиёжманд хотин-қизлар учун:
- бир марталик моддий ёрдам бериш;
 - зарур ҳолларда, сектор раҳбари хulosаси асосида томорқадан ва деҳқончиликдан даромад манбаи сифатида фойдаланиш учун кўмаклашиш.

Хотин-қизлар қуидаги ҳолларда «Аёллар дафтари»дан чиқарилади:

- ҳар бир тоифа бўйича белгиланган амалий ёрдамлар тўлиқ кўрсатилганда (индивидуал дастур асосида);
- тўлиқ давлат таъминотига олинганда;
- ўз аризасига кўра;
- «Аёллар дафтари»га ноқонуний киритилганлиги аниқланганда;
- бошқа давлатларга доимий яшаш учун чиқиб кетганда;
- суднинг озодликдан маҳрум этишни назарда тутивчи ҳукми қонуний кучга кирганда;
- шахс вафот этган тақдирда ёки суд қарори асосида бедарак йўқолган деб топилганда.

«Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларнинг индивидуал дастурга киритилган масалалари тўлиқ ҳал этилгунга қадар уларни «Аёллар дафтари»дан чиқаришга йўл қўйилмайди.

Кредитлар «Аёллар дафтари»га киритилган ва тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган хотин-қизлар тадбиркорлигини йўлга қўйиш ва ривожлантиришга йўналтирилади. Бунда кредитлар 33 миллион сўмгача миқдорда ҳокимлар ёрдамчиларининг тавсиялари асосида ажратилади.



3. Ахборот – нима?

Ахборот – арабча «хабар» сўзидан олинган бўлиб, «дарак», «маълумот», «овоза» деган маъноларни англатади.

Ахборот – дегандা, муайян объектларни бошқариш жараёнида қарорлар қабул қилишда фойдаланиувчи фактлар, воқеалар, жараёнлар ва воқеалар, муайян соҳа объектларининг ҳолати ва хусусиятлари тушунилади.

Ахборотни – унинг тури, қандай кўринишда ифодаланишидан қатби назар – йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва амалиётда кўлланилишида компьютернинг муайян ва аниқ роли мавжуд. Бу иштирок куйидагиларда кўринади:

Биринчидан, таълим жараёнига илғор ахборот технологияларини қўллаш. Бу баъзан анъанавий таълимга зид келиши ҳам мумкин. Аммо у таълимни тезлаштиради, ютуқлар кафолатига ижобий таъсир кўрсатади. Натижада, тингловчи ва бажарувчи бўлган ўқувчи-табабани таълимнинг субъектига айлантиради.

Иккинчидан, такдим этилаётган маълумотлар ишончлилиги, бирламчи манбаларга таянилган ҳолда тайёрланиши лозим. Талабаларни илмий изланишларга йўналтириш, бўш вактларини тўғри ташкил қилиш масалаларини ҳал этишда, авваламбор, уларга манба танлашни ўргатиш, интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш зарур бўлади. Бунда миллий ва диний қадриятларимиз, аждодларимиз илмий мероси қўл келиши мумкин. Улардан ўринли, мақсадли фойдаланиш кутилган натижа беради. Маънавият поклиги сақланади, илмий юксалиш тезлашади – ёшлиарнинг ёлғон маълумотлар гирдобида қолиши эҳтимоли камаяди. Энг муҳими, республикада ахборот майдонидан фойдаланишнинг миллий тизими шаклланади.

Ахборот олами ичида яшаётган бугунги кун кишиси умри давомида кўпдан-кўп манбалар, далиллару рақам-

ларга мурожаат қилишга мажбур. «Рақамлар сехри»дан инсонларни таъсир доирасига олишнинг бир усули сифатида фойдаланилиши ҳам шундан. Аслида, бу нарсалар инсонга атрофда – юртида ва дунёда содир бўлаётган воқеа, ҳодиса, жараёнларни англаши, уларнинг ўзаро алоқадорлиги, муносабати ва моҳиятига чукур кириб бориши учун керак.

Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз шарт ва зарур. Бу бизга ривожланишининг энг қисқа йўлидан бории имконини беради. (Ш.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон – тараққиёт стратегияси. 15-бет)



4. Ахборот олиш эркинлигининг асосий принциплари нималардан иборат?

Ахборот олиш эркинлигининг асосий принциплари ахборотнинг ошкоралиги, ҳамма олиши мумкинлиги, очиқлиги ва ҳаққонийлигидан иборатдир. Шунингдек, ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги – ҳар бир шахснинг ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга хақли эканини ифода этади.



5. «Ахборот уруши» нинг асосий вазифалари нималарда намоён бўлади?

Воқеа-ҳодиса ҳақида, жараён ҳақида ёлғон ахборот тарқатиш, ахборот хуружларини ўюштириш;

- ижтимоий онгни манипуляция қилиш (инсонлар онгини алдаб бошқариш);
- миллий-маънавий қадриятларни обрўсизлантириш;
- ғарбона турмуш тарзини зўрлаб сингдириш;
- инсонлар диний эътиқодига таъсир қўрсатиш;
- демократик қадриятларни ёйишга интилиш («демократия экспорти»);
- ҳалқнинг тарихий хотирасини бузиш ёки ўзгартиришга уриниш.



6. Ахборот урушининг хусусиятлари ни- малардан иборат?

Ахборот уруши ахборот ва ахборот тизимларининг барча шаклларини қамраб олади;

Ахборот уруши мамлакат позициясини мустаҳкамлаш мақсадида ҳам уруш даврида, ҳам тинчлик даврида чекланмаган ҳудуд ва маконда олиб борилади;

Ахборот уруши ҳам ихтисослаштирилган ҳарбий бўйинмалар томонидан, ҳам ижтимоий (шахслар иштирокида) тузилмалар доирасида олиб борилади.



7. Ахборот хавфсизлиги – нима?

Ахборот хавфсизлиги – бу ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлат манфаатларининг мувозанатлашган ҳолда ҳимояланганлик ҳолатидир.

Шунингдек, ахборот хавфсизлиги – муайян шахс, оила, ижтимоий гурух, меҳнат ва хизмат жамоаси, давлат ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маданий омиллар асосида хавф-хатарсиз тарзда нормал фаолият олиб боришлари учун зарур бўлган инфомрацияларни ўрнатилган тартибда сақлаш ва етказиб бериш тизимиdir.



8. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш- нинг асосий вазифалари нималардан иборат?

- ахборот хавфсизлигига таҳдид манбаларини аниқлаш, баҳолаш ва башорат қилиш;
- ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган давлат сиёсатини ишлаб чиқиш;
- давлат ҳокимияти органлари ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармалари фаолиятини мувофиқлаштириш.



9. Ахлоқ нима?

Ахлоқ – (араб. ҳулқнинг кўплиги; лот. – ҳулқ-атвор) – маънавий ҳаёт ҳодисаси, ижтимоий онг шаклларидан

бири, маънавият соҳасига оид кишиларнинг тарихан таркиб топган хулқ-атвори, юриш-туриши, ижтимоий ва шахсий ҳаётдаги ўзаро муносабат, шунингдек, жамиятга бўлган муносабатларини тартибга солиб турадиган барқарор, муайян меъёр ва қоидалар йифиндисидир.



10. Бадиий ғоя нима?

Бадиий ғоялар – сўз санъатининг маҳсули сифатида яратилган адабиёт ва санъат асарларининг асосий маъно-мазмунини ташкил этадиган, ундан кўзланган мақсадга хизмат қиласидиган етакчи фикрлар мажмуига айтилади.



11. Бағрикенглик нима?

Бағрикенглик – шахс, элат, миллат, халқларнинг бирон бир нарсага нисбатан кенг кўламда, чин дилдан очик кўнгиллик билан ёндашишларига айтилади.



12. Биз ёт ғояларга қарши қандай қурашмоғимиз лозим?

Фояга қарши ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан.

Ташқи ёт таъсиrlар – хатарлар, таҳдидлардан ҳар бир фуқаро, айниқса, ёшлар ҳаётини асрash керак. Бунда асосий диққат-эътиборни ҳаётнинг соғлиқни сақлаш, илм олиш, касбга йўналтириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, маънавиятни юксалтириш каби жиҳатларига қаратиш мақсадга мувофиқ. Чунки уларнинг ҳар бири инсон камолоти учун хизмат қиласиди ва иллатлардан ҳимоя қиласиди.



13. Бунёдкор ғоялар нима?

Бунёдкор ғоялар – жамият ва одамларни, турли гурӯх ва қатламлар, миллат ва давлатларни тараққиёт сари етакловчи, халқни эзгу мақсад йўлида биргаликда ҳаракат қилишга ундовчи ғоялар мажмуига айтилади.



14. Бунёдкор илмий дунёвий ғоялар нима?

Бунёдкор илмий дунёвий ғоялар деб, макон ва замонда мавжуд бўлган реаллик – табиат ва жамиятнинг қонунларини билиш заминида шаклланиб, унинг тинч, барқарор ривожланишига қаратилган илмий-амалий ғояларнинг муайян тизимига айтилади.



15. Бунёдкор диний ғоялар нима?

Бунёдкор диний ғоялар – муқаддас диний китобларнинг инсонпарварлик моҳиятидан келиб чиққан ҳолда одамлар ўртасида тенглик, тинчлик ва ўзаро ҳамкорликни таъминлашга қаратилган ғоялар мажмуига айтилади.



16. Буюк давлатчилик шовинизми деганда нима тушунилади?

Буюк давлатчилик шовинизми – бир давлатнинг бошқа давлат ёки давлатлар устидан сиёсий, мафкуравий, иқтисодий ва ҳарбий ҳукмронлигини ўрнатишига қаратилган назария ва амалиётдир.

Хусусан, XVIII–XIX асрларда Фарбий Европа ва Россия империясининг ҳукмрон доиралари бошқа давлатларга нисбатан ана шундай сиёсат олиб борган. Буюк давлат шовинизми Австрия-Венгрия империяси, Турция султонлиги сиёсатида ҳам кучли бўлган. Иккинчи жаҳон уруши даврида Германия фашизми ана шундай сиёсат юритиб, немислар «олий» ирққа мансуб миллат сифатида жаҳондаги барча халқлар устидан ҳукмронлик ўрнатиши керак, деб даъво қилган.



17. Бузғунчи мафкура нима?

Бузғунчи мафкура – жамият тараққиётининг турли шароитларида объектив зарурий бўлган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий муносабатларнинг бузилишига сабаб бўладиган мафкура.



18. Бўлиб ташлаб, ҳукмронлик қилиш нима дегани?

Бўлиб ташлаб, ҳукмронлик қилиш – ғаразли геосиёсий ва геостратегик мақсадларга эришишда қўлланадиган усул ва тамойиллардан бири. Бу тамойилни амалга оширишнинг асосий йўли бирор мінтақа ёки мамлакат ичида ижтимоий парокандаликни келтириб чиқаришдир. Бунда, биринчидан, муайян шаклда мавжуд бўлган ижтимоий-иқтисодий қийинчиликларни бўрттириб кўрсатиш орқали ахолининг мавжуд ҳолатдан норозилигини уйғотиши, иккинчидан, ўз ногорасига ўйнайдиган муҳолифатчи кучларни юзага келтириш йўли билан сиёсий бекарорликни келтириб чиқариш, учинчидан, «мамлакатда сўз, матбуот, сиёсий эркинликлар йўқ» қабилидаги тухматдан иборат мафкуравий тазиик ўтказиш усуллари қўлланади.



19. Бўшлиқ нима?

Бўшлиқ (маънавий соҳада) – бир сиёсий тизимдан бошқа бир тизимга ўтиш жараёнида ёки маънавий-маърифий ишларнинг тӯғри йўлга қўйилмагани оқибатида юзага келадиган ҳолат. Шахс онгида бўшлиқнинг пайдо бўлиши унинг жамиятдаги ўрни ва ижтимоийлашувининг маромига етмагани, мустақил тафаккурининг шаклланмагани ва фикр қарамлиги, сиёсий эътиқодининг заифлиги, ҳуқуқий маданий савиясининг пастлигига намоён бўлади.



20. Вайронкор ғоялар деганда нимани тушунасиз?

Вайронкор ғоялар – инсон ва жамиятни тубанликка бошлайдиган, одамларни ғаразли ният ва қабиҳ мақсадларга ундейдиган, халқлар ва давлатларни таназзул ва ҳалокатга маҳкум этадиган ёвузлик ва жаҳолатга хизмат қиласидиган ғоялар мажмуига айтилади.



21. Ватан деганда нимани тушунасиз?

Ватан – арабча сўз бўлиб, ўзбек тилида «туғилиб ўсган жой, она юрт» деган лугавий маънони билдириб, кишиларнинг кундалик ҳаётида: 1) кишининг туғилиб ўсган ўлкаси, шаҳри ёки қишлоғи, юрти, маскани, уйи, диёри; 2) киши туғилиб ўсган ва ўзини унинг фуқароси ҳисоблаган мамлакати, она юрти; 3) турар жойи, бошпанаси, маскани, уйи; 4) бирон бир нарсанинг асли келиб чиқсан ери, жойини ифодалаш учун ишлатилади.



22. Ватан манфаати нима дегани?

Ватан манфаати – юксак маънавий тамойиллардан бири; Ватаннинг озодлиги ва мустақиллиги, унинг ҳудудида яшаётган халқнинг тинчлиги ва осойишталиги, бугунги ва келажак ҳаётини, ҳукуқ ва манфаатларини, барча миллий бойликларни асраб-авайлаш, бойитиш ва ҳимоя қилиш билан боғлиқ барча мақсад-вазифаларни ифода этадиган тушунча. Ватан манфаати миллий манфаатларнинг айни ифодасидир. Дунёдаги ҳар қайси мустақил давлатнинг манфаати унинг ҳудудида яшаётган халқ учун Ватан манфаатидир.



23. Ватан равнақи нима?

Ватан равнақи – ҳар бир инсоннинг ўзи туғилиб ўсган, яшаётган жойи – она Ватанини гуллаб яшнаши, барқ уриб ривожланиши, унинг ҳуснига ҳусн, кўркига кўрк қўшиши, осмондаги қуёш каби порлаб нур сочиб туриши учун фидокорона меҳнат қилиши, заҳмат чекиши натижасида уни дунёдаги энг гўзал масканлардан бирига айлантириш иштиёқида қилинаётган ғоявий фикрлар ва амалий хатти-харакатлар тушунилади.



24. Ватанфурушлик нима?

Ватанфурушлик – Ватанга хоинлик қилиш, Ватанини сотишни англатувчи тушунча. Бундай ҳаракатлар қато-

рига қуидагиларни киритиш мумкин: мамлакат манфаатларига хиёнат қилиш, ўз шахсий манфаатларини кўзлаб иқтисодий, сиёсий ва бошқа жосуслик фаолияти билан шуғуланиш, душман томонига ўтиб ўз халқи, мамлакатига қарши кураш олиб бориш, қўпорувчилик ишлари билан машғул бўлиш ва ҳоказо. Ватанфурушликнинг моҳияти ватансизлик, Ватанидан бегоналашиш каби ҳодисалар билан солиширилганда янада ёрқин намоён бўлади.



25. Гегемонизм нима?

Гегемонизм – (юн. *гегемония* – етакчилик, бошқариш) – турли соҳаларда, жумладан, маънавий соҳада ҳам устунлик ва ўз ҳукмига бўйсундиришни англатувчи тушунчадир.

Гегемонизм моҳиятан дунё барқарорлигини таъминлаш ёки уни мустаҳкамлашга қаратилган сиёсатга зид ҳодиса бўлиб, ижтимоий тараққиёт, жамият барқарорлиги ва хавфсизлигини издан чиқаради. Баъзи давлатларнинг барча соҳаларда устунлик қилиш ва дунёни ўз ҳукмига бўйсундиришга интилиши инсоният тарихининг турли босқичларида салбий оқибатларни келтириб чиқарган.



26. Геосиёсат нима?

Геосиёсат – (юн. – *ер, ҳудуд ёки давлатни бошқариши санъати*) – сиёсий атама бўлиб, давлатнинг ташқи ва ички сиёсатининг йўналиши, унинг мақсад ва вазифаларига, хусусан, географик жойлашуви, мавжуд захиралар орқали бошқа худудларга муайян даражада таъсир ўтказиши кабилар билан боғлиқ тушунчадир.

Бир қарашда, геосиёсат маънавият билан боғлиқ эмасдек туюлади. Аслида эса, муайян мамлакат геосиёсатини юқорида тилга олинган омиллардан ташқари ижтимоий, маданий ва маънавий жиҳатларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.



27. Геостратегик манфаатлар қандай?

Геостратегик манфаатлар – муайян мамлакат ёки минтақанинг жуғрофика жойлашуви билан белгилана-диган эхтиёж ва интилишлар инъикоси. У истиқболни англаш билан боғлиқ ҳолда рўёбга чиқади.



28. Глобаллашув нима?

Глобаллашув – (лот. – *Er caiērasu*) – XX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср бошида жаҳон тараққиётида шаклланган янги умумсайёравий тартиботлар, давлатлар ва кишилар ўртасида ўзаро алоқаларнинг кенгайиши ва муракаблашиши, дунё миқёсида ахборот макони, капитал, товар ҳамда ишчи кучи бозоридаги интеграциялашув, атроф-муҳитга техноген таъсирнинг кучайиши, оммавий маданият намуналарининг кенг тарқалиши, ахборот-мағкуравий ва диний-экстремистик хуружлар хавфининг ортиб боришини ифода этувчи тушунчадир.

«Глобаллашув» атамаси дастлаб америкалик олим тушунча Левиттнинг 1983 йили «Гарвард бизнесревью» журналида чоп этилган мақоласида тилга олинган эди.



29. «Гуманитар интервенция» ни амалга оширувчилик қандай мақсадларни кўзлайдилар?

- дунёга ўз қадриятларини ёйиш орқали глобал етакчиликка эриши;
- муайян минтақада ўзининг геосиёсий таъсир доирасини кенгайтириш;
- жаҳон миқёсида ўзларига мақбул сиёсий тартиботни шакллантириш;
- муайян давлатларни ҳамжамият олдида обрўсизлантириш орқали ўша давлатнинг қонуний ҳукуматини ағдариб ташлаб, унинг ўрнига ўз мақсадларига хизмат қиласиган «қўйғирчоқ ҳукумат»ни келтириш;
- энергетик ресурсларга бой давлатларнинг табиий заҳираларига эгалик қилиш ва ҳ.к.



30. Давлат нима?

Давлат – бутун мамлакат миқёсидаги ҳокимиятнинг маҳсус бошқарув аппаратига таянадиган, барча учун қонунлар чиқарадиган ва суверенитетга эга бўлган сиёсий ташкилотни ифодаловчи тушунчча. Давлат жамиятнинг ҳокимият кучига, шунингдек, ижтимоий неъматлар ҳамда воситаларни тақсимлаш имкониятларига эга бўлган қисми ҳисобланади. Ҳар бир давлат бетакрор ижтимоий ҳодисадир. У тарихий ва маънавий тараққиётнинг ҳосиласи, муайян бир халқнинг ўзига хос маданий ривожининг натижасидир. Давлат жамият ривожининг муайян босқичида юзага келган ибтидой жамиятда оқсоқоллар, уруғ ва қабила бошлиqlари ҳамда диний ҳокимият соҳибларига тегишли бўлган ижтимоий ҳокимият аста-секин давлат ҳокимиятига айланган.



31. Давлат байроғи нима?

Давлат байроғи – ҳар қандай давлатнинг ўтмиши, давлатчилик анъаналари, сиёсий тузуми, иқтисодий салоҳиятини ифода этадиган рамзлардан бири. Давлат байроғи маҳсус қонун билан ёки Конституция асосида расмийлаштирилади. Давлат байроғи мустақил давлат ва унда яшовчи фуқаролар дахлизлигининг аниқ ифодасидир. Шунингдек, айни шу давлатдаги миллий, ҳарбий ва партиявий бирлик ҳамда уюшмаларнинг ҳам рамзий белгисидир. Давлат байроғи одатда бир рангли ёки кўпрангли матодан иборат бўлиб, унинг бир томони дастага маҳкамланади. Матога баъзан турли эмблема ва белгилар туширилади.



32. Давлат герби нима?

Давлат герби – давлат рамзи; давлатнинг миллий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳусусиятлари ва давлат тузуми, жўғрофик ва бошқа белгиларини шартли ра-

вишда ифодалайдиган тамға-белги. Герб давлат муҳрида, расмий бланкаларда, фуқаролик паспортларида, муҳим ҳужжат, пул ва давлат замъларида акс эттирилади. Гербнинг барча хусусиятлари маҳсус қонун ёки Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилади. Давлат гербнинг пайдо бўлиш тарихи мил. ав. уч мингинчи йилларга бориб тақалади. Масалан, Шумер давлатининг гербидаги шер бошли бургут, қадимги Рим давлатиникида бургут расми тасвирланган. Давлат герби давлатнинг ўзига бўлган ишончини, ўз мустақиллигини ҳимоя этишга тайёр эканини, бунёдкорлик мақсадларини, давлат ва жамият ҳаётининг турли жиҳатларини шартли расм, белги тарзида ифодалайди.



33. Давлат мадҳияси нима?

Давлат мадҳияси (*гимн* – юнон.) – ҳар бир давлатнинг мақсад-муддаолари шеърий матн ва мусиқа жўрлигига тантанали маросимларда ижро этиладиган, ўзининг қонуний мақомига эга бўлган давлат рамзларидан бири. Давлат герби шакли ва маъно-мазмунида муайян давлатда истиқомат қиласетган миллат ва элатлар, ижтимоий гурӯҳ ва табақалар мақсадлари ҳамда қарашлари акс этади. Давлат герби ғоявий йўналиши ва акс эттириш воситалари билан бошқа мусиқий асарлардан фарқ қиласди. Мадҳия давлат ҳаётининг барча соҳаларида беқиёс аҳамият касб этиб, сиёсий ташвиқотнинг муҳим воситаси хисобланади. Мадҳиялар тантанали байрамлар, сиёсий чиқишлиар расмий давлат қабуллари, ҳарбий парадлар муҳим меъморий ёдгорликлар – ҳайкалларнинг очилиши, муҳим аҳамиятга молик митинглар, тарихий саналарга бағишлиланган йиғинлар, йирик байналмилал ва миллий қадриятларга бағишивлар, турли давлатлар бошликларини кутиб олиш ва кузатиш, ҳарбий қасамёд қабул қилиш, халқаро олимпиада мусобақалари, кинофестиваллар ўтказиш чоғида ижро этилади.



34. Давлат тили нима?

Давлат тили – ҳар қандай давлатнинг тарихий тараққиёти негизида вужудга келган, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг инъикоси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик воситаси, мамлакатда истиқомат қилаётган турли миллат ва элатлар яқдиллигини ифода этадиган, давлат доирасида ва давлатларо муносабатларда ўзаро мулоқот воситаси ҳисобланган, қонуний мақомга эга бўлган ҳамда қонун билан ҳимояланган расмий тил. Давлат тили одатда уч йўл билан белгиланади: 1) Тарихий анъана асосида музайян давлат ҳудудида истиқомат қилувчи барча халқлар мавжуд тиллардан бирини умумтил деб тан олади. У кўпинча шу давлатдаги энг кўп сонли миллатнинг тили бўлади. 2) Ҳукумат, президент, парламент ёки раҳбар органлар томонидан халқаро ёки жаҳон тилларидан бири давлатнинг расмий тили деб эълон қилинади. Давлат органлари, ҳукумат идоралари ва расмий ташкилотларда ёзишмалар фақат шу тилда қабул қилинади ёки жўнатилади, шунингдек, барча музокара, муҳокама, мажлис, сессия, конференция, конгресс ва шу каби йиғинлар расмий тилда ўтказилади. 3) Давлатнинг қонун чиқарувчи органи ёки мамлакат президенти томонидан жамият ҳаётининг барча соҳаларида қўлланилиши шарт деб эълон қилинган тил.



35. Давлат чегараси нима?

Давлат чегараси – давлатнинг зарурий белгиларидан бири. Ҳар қандай давлат ўз ҳудудий чегарасига эгадир. Давлат ҳудудининг бошқа давлат ҳудуди билан туташ чизиги давлат чегараси деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикаси беш мустақил давлат – Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Афғонистон давлатлари билан чегарадошdir.

Давлатимиз худуди чегараларининг умумий узунлиги 6221 километрни ташкил этади. Жумладан, Афғонистон билан чегара – 137 км, Қозоғистон – 2203 км, Қирғизистон – 1099 км, Тожикистон – 1161 км, Туркманистон билан 1621 км дан иборатdir.



36. Давлат бошқаруви нима?

Ўзбекистонда жорий этилган давлат бошқаруви президентлик усулининг мазмун-моҳияти, асосий тамойиллари, ўзига хос хусусиятлари, Президентнинг ҳукукий мақоми, ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилган. Давлат ҳокимияти эса қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлинади. Қонун чиқарувчи – Олий Мажлис, Ижро этувчи – Вазирлар Маҳкамаси, Суд ҳокимияти – Олий, вилоят ва туман (шаҳар) судларини ташкил этади.

Давлат бошқаруви ва жамият қурилиши соҳалирида туб янгиланишлар жорий этилмоқда. Янги бошқарув тизими ва замонавий тузилмалар яратилди. Давлат бошқарувида очиқлик ва адолатга асосланган, халқпарвар қарорлар қабул қилиши тизими шаклланмоқда. (Ш.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон – тараққиёт стратегияси. 83-бет)

Жамиятизда демократия тамойиллари, қонун устуворлигини таъминлаш сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Суд-хукуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш ишлари ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда, суд ҳокимиятининг фуқаролар ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ролини оширмоқдамиз.



37. «Давлат – инсон учун» тамойили – демократик ислоҳотлар мезоними?

Юртимизда узоқ йиллар давомида «давлат – жамият – инсон» тамойилига амал қилиб келинди. Давлат қурилиши ва бошқаруви, барча сиёсий тузилмалар,

уларнинг иш услуби ва фаолияти ҳам ана шу тамойил асосида шаклланди.

Аслида эса, аввало, инсон, унинг ҳақ-хуқуқлари ва баҳт-саодати давлат сиёсати, барча давлат органлари фаолиятининг энг устувор мақсади бўлиши лозим. Жамият қурилиши ва давлат сиёсати ана шу гояга таяниши ҳамда «Давлат – инсон учун» тамойили асосида ташкил этилиши даркор. (Ш.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон – тараққиёт стратегияси. 59-бет)

Мазкур тамойилга амал қилиш эса, инсонни ва унинг манфаатларини давлат сиёсати ва ислоҳотларнинг асосий мезонига айлантириш лозимлигидан далолат беради. Бу нафақат юртимизда, балки бутун дунёда мазкур ислоҳотларнинг энг демократик тамойилларга мослиги, уларнинг пировард мақсади ва давлат сиёсатининг устувор йўналиши инсон манфаатлари, ҳақ-хуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилганининг эътироф этилишига сабаб бўлмоқда.

Тарих шундан далолат берадики, дунёдаги барча Цивилизациялар, маданият ва динлар инсон хуқуқлари тўғрисидаги таянч тушунчаларнинг шаклланишига асос бўлган эзгу ғоялар таъсирида вужудга келган.



38. «Давлат органлари – халқقا хизмат қилишининг самарали воситаси» деган тамойил нима?

Энг ривожланган демократик мамлакатлар тажрибасидан ўтган муҳим ижтимоий феномен, яъни «Давлат органлари – халқقا хизмат қилишининг самарали воситаси» деган тамойилнинг бугунги ҳаётимиз, ислоҳотлар жараёнидаги ўрни ва аҳамиятини яққол кўрсатмоқда.

Бошқача айтганда, мазкур тамойил дунё давлатларининг ҳозирги замонга хос илғор тажрибалари билан бир неча минг йиллик ўзбек миллий давлатчилиги анъаналари уйғунлигининг ўзига хос ифодаси сифатида ҳам намоён бўлмоқда.

Хозирги даврдаги ривожланган давлатларнинг таж-рибасини, халқимизнинг миллий давлатчилик анъана-ларини акс эттирган бундай ижтимоий-сиёсий воқелик ва унинг тузилмалари жамият ўзгаришлари динамика-сини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ушбу вазифани бажаришда муҳим ижтимоий омил-лардан бири – жамоатчилик назорати механизmlарини амалда татбиқ этиш, фуқаролик институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш каби йўналишлар ислоҳотларнинг таркибий қисмига айлан-гани бежиз эмас.

Бизнинг бош мақсадимиз – юртимизда халқ ҳоки-миятини номига эмас, балки амалда жорий қилишдан иборат.

Демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жа-мияти барпо этишнинг энг муҳим шарти бўлган халқ-нинг хоҳиш-иродасини, унинг орзу-интилиш ва ман-фаатларини ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда, давлат ҳокимияти идоралари фаолиятини йўлга қўйиш албат-та, ушбу тамойилнинг амалга ошишини назарда тута-ди. Ўз навбатида бу, халқ билан мулоқот демократик та-раққиёт ва инсон манфаатларини таъминлаш омилига айланганидан далолат беради.

Давлат органларининг аҳолига «Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади» тамойили асосида хизмат кўрсатишига эришдик. Бу, ўз навбатида, халқимизнинг оғирини енгил қилиш, уларга «давлат – фуқаро» муно-сабатларида қулайлик яратиш ва шаффоффликни таъ-минлаш мақсадида давлат хизматлари кўрсатишининг янги тизими ишлаб чиқилганидан далолат беради.

Давлат бошқарувида биз учун нисбатан янги, лекин кўплаб ривожланган демократик мамлакатларда амал қилаётган «Давлат халқча хизмат кўрсатиши шарт» гоясини татбиқ этишини назарда тутувчи «Халқчил давлат» миллий дастури ишлаб чиқилиши, «Давлат хизматлари тўғрисида»ги қонун қабул қилинини на-

зарда тутилди. (Ш.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон – та-раққиёт стратегияси. 75-бет)



39. Демократиянинг ҳамма халқлар ва мамлакатлар учун ягона мутлақ андазаси мавжудми?

Мавжуд эмас, чунки ҳар бир давлат географик жойлашуви, менталитети, миллий қадриятлари жиҳатидан фарқ қиласи.



40. Демократиянинг қандай тамойиллари бор?

Демократиянинг – халқнинг эркин ҳоҳиш иродаси, ҳокимият тармоқларининг тақсимланганлиги, фуқароларнинг тенг хуқуқли ва инсон хуқуқларининг устиворлиги каби тамойиллари мавжуд.



41. Дин нима?

Дин – (араб. *ишионч, ишионмоқ*) – 1) ижтимоий-маънавий ҳаёт ҳодисаси, илоҳий кучларга ишонч-эътиқод асосида шаклланган ғоя ва қарашлар тизими; 2) борлиқни яратувчи ва бошқарувчи олий мавжудот, яъни Худога нисбатан муносабат, тасаввур, урф-одат ва маросимлар мажмуидир.



42. Етакчи нима дегани?

Етакчи – бирор йўналишда, бирор юмушни бажаришда йўлбошчилик қилувчи, жамоани аниқ мақсад сари етакловчи шахсга айтилади. Шунингдек, бу тушунча бошчилик қилиш, ташкилотчилик қилиш деб юритилади. Етакчи етаклаётган жамоа намунали бўлиши талаб этилади.



43. Ёшлар ким?

Ёшлар – жамиятдаги ижтимоий-демографик гурпух, инсон умрининг муайян даврида яшаётган, етук-

ликнинг қарор топиши, катталар оламига кириш ва унга мослашиш каби ўзига хос хусусиятлар билан тавсифланадиган тушунча. Ёшлик чегараси бекарор ва аниқ ажратилиши қийин, лекин соҳа мутахассислари кўпинча уни 15–30 йил билан ўлчайдилар. Ёшлар баъзи умумий хусусиятлар билан тавсифланади: улар одатда замонавий ва билимли; янги касблар ва янгича турмуш тарзига интилувчан; ижтимоий жиҳатдан ҳаракатчан қатлам. Ёшларда қадриятларни қайта баҳолаш, катталарга нисбатан ўзгачароқ, яъни уларда эҳтиёжлар ва идеаллар, ахлоқий меъёрлар фаол ўзлашади. Ёшлар ўзига хос қадриятларга кўра, мулоқот, меҳнат, истемол, ҳордик чиқариш каби муносабатлар тизими билан фарқланади, бу улар маданийтининг ривожланишига олиб келади. Жинси, ёши, маълумотда режаси, касбий бандлик соҳаси, маданий-сиёсий манфаатлари ва бошқага боғлиқ ҳолда ёшлар турлари фарқланади. Таълим турини танлаш ва уни эгаллаш, меҳнат жараёнiga кириш, оилани шакллантириш, касбий жиҳатдан ўсиш ва хизмат бўйича илгарилаш кабилар ёшларнинг асосий муаммолари бўлиб ҳисобланади. Кейинги йилларда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнидаги уларнинг касб танлаш, меҳнатига ҳақ тўлаш, иш билан таъминлаш бўйича қатор долзарб вазифалар юзага чиқди. Ўзбекистонда бу борада маънан ва жисмонан соғлом, баркамол авлодни тарбиялашга катта аҳамият берилмоқда. Ёшлар (ёш фуқаролар) – ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслар деб «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунида белгилаб қўйилди.



44. Ёшларга оид давлат сиёсати қандай?

Ёшларга оид давлат сиёсати – деганда, давлат томонидан амалга ошириладиган ҳамда ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш ва уларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол

топтириш учун шарт-шароитлар яратилишини назарда тутадиган ижтимоий-иктисодий, ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизими тушунилади. «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди ва «Халқ сўзи» газетасининг 2016 йил 15 сентябрдаги 182 (6617)-сонида эълон қилинган.

Ёшлар иттифоқи тузилди ва унинг самарали фаолияти йўлга қўйилди. Ёшлар форумлари ўтказилмоқда. 30 июнь куни Ўзбекистонда Ёшлар куни сифатида кенг байрам қилинмоқда.

Ўзбекистон Ёшлар парламентлари, Ёшлар ишлари агентлиги фаолияти йўлга қўйилди. Йигит-қизларнинг бизнес ташаббусларини рўёбга чиқариш, субсидиялар, имтиёзли кредитлар ажратиш, касб-хунарга ўқитиш, фермерликни кўллаб-қувватлаш, фарзандлар таълимтарбияси, уларни соғломлаштириш ва бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, «Ёшлар дафтари» орқали уларга кўмаклашиш каби йўналишларда давлат томонидан ёшларни кўллаб-куватлаш чоралари кўрилмоқда.



45. Ёшлар дафтари нима ва унга кимлар киритилади?

«Ёшлар дафтари» – ижтимоий, иктисодий, ҳуқуқий, психологик кўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бўлган, ишсиз ёшларнинг муаммоларини аниқлаш, бартараф этиш ва назоратини олиб бориш бўйича маълумотлар базаси.

«Ёшлар дафтари»га 18 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган қуидаги тоифадаги ёшлар киритилади:

- ижтимоий ҳимояга муҳтож ёилар – муомалага ва меҳнатга лаёқатсиз, ногиронлиги ёки саломатлигига нуқсони бўлган (нафақа олмайдиган), боқувчисини йўқотган, етим, «Мехрибонлик» уйлари ва болалар шаҳарчаларида тарбияланган, муқаддам судланган, пробация ҳисобида, профилактик ҳисобда ёки маъму-

рий назорат остида турувчи ижтимоий ёрдамга муҳтож ёшлар, шунингдек, «Темир дафтар»га киритилган оиласаларнинг профессионал ва олий таълим муассасаларида таълим олувчи фарзандлари;

- *иқтисодий қўллаб-қувватлашга муҳтож ёшлар* – тадбиркорлик ва хунармандчилик фаолиятини бошлиш, шунингдек, ўзини ўзи банд қилиш истагида бўлган ишсиз ёшлар;

- *психологик қўллаб-қувватлашга муҳтож ёшлар* – жамиятда ўз ўрнини топишга қийналаётган, турли хил муаммолар сабабли ижтимоий реабилитацияга муҳтож ёшлар (суицид содир этишга ҳаракат қилган ва бошқалар);

- *ишиз ёшлар* – ҳақ тўланадиган ишга ёки иш ҳақи (мехнат даромади) келтирадиган машғулотга эга бўлмаган, иш қидираётган ва иш таклиф этилса, унга киришишга тайёр бўлган ёхуд касбга тайёрлашдан, қайта тайёрлашдан ўтишга ёки малакасини оширишга тайёр бўлган, ишга жойлашишда кўмак олиш учун маҳаллий меҳнат органларига мурожаат қилган ва ушбу органлар томонидан иш қидираётган шахслар сифатида рўйхатга олинган меҳнатга лаёкатли ёшлар (бундан таълим муассасаларида таълим олаётганлар мустасно).

- Моддий ахволи қийин ёшларга бир марта бериладиган моддий ёрдамни тайинлашнинг аниқ микдори ёшнинг ҳаётий вазияти мураккаблигини инобатта олган ҳолда БҲМнинг 4 бараваригача микдорда Васийлик кенгаши қарорига мувофиқ тўлаб берилади.

Кўйидагиларга биринчи навбатда тайинланади:

- боқувчисини йўқотган ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларга;
- ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ишга лаёкатсиз ёшларга;
- I ва II гурух ногирони бўлган ёшларга;

- қарамоғида ногирон бола бўлган ёш оила (эр-хотиннинг бири)га;
- ота-оналардан бири I ёки II гуруҳ ногирони бўлган, иккинчиси эса иш фаолиятини тўхтатган ҳолда беморга қараашга мажбур бўлган ёки иккала ота-она ҳам I ёки II гуруҳ ногирони бўлган ёшларга;
- табиий оғатлар, ҳалокатлар, ёнғинлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар оқибатида ҳаётига, соғлиғига, мулкига зарар етган ёшларга.

Шахсга бир марталик моддий ёрдам берилиши уни «Ёшлар дафтари»дан чиқаришга асос бўлмайди.

Моддий ёрдам шахсга бир календарь йил давомида бир маротаба берилади.

- «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларга уруглик ва кўчатлар харид килиш учун субсидия ажратиш тартиби.

«Ёшлар дафтари»га киритилган ёш тадбиркор ёки ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтган ёш фуқарога фаолиятини амалга ошираётган нотурар жойнинг 12 ойгача ижара харажатларининг бир йилда БХМнинг 25 бараваригача қисми қоплаб берилиши мумкин.

- «Темир дафтар»га киритилган оиласалар фарзандларининг мамлакатимиздаги профессионал ва олий таълим муассасаларида тўлов-контракт асосида ўқиш бўйича йиллик харажатларини тўлаб бериш «Ёшлар дафтари» жамғармаси маблағлари ҳисобидан Васийлик кенгаши қарорига мувофиқ тўлов-контракт суммасининг 50 фоизигача, бироқ БХМнинг 50 бараваридан ошмаган микдорда амалга оширилади.

- «Ёшлар дафтари»га киритилган ёш оиласаларнинг секторлар раҳбарларига ва Ёшлар ишлари агентлигининг туман (шаҳар) бўлимларига берган аризасига мувофиқ, уларга 12 ойгача турар жой учун ижара ком-

пенсацияси ҳар ойда БҲМнинг З бараваридан ошмаган микдорда тўлаб берилиши мумкин.

«Ёшлар дафтари»дан қуидаги ҳолларда чиқарилади:

- бандлиги таъминланган ёки доимий даромад манбаига эга бўлганда;
- тўлов-контракт асосида ўқиш бўйича йиллик харажатлар белгиланган тартибда тўлаб берилганда;
- тадбиркорлик фаолияти ҳамда ўзини ўзи банд қилиш мақсадида нотурар жойнинг ижара харажатлари қопланганда ёки мазкур фаолият учун зарур бўлган асбоб-ускуна ва меҳнат қуролларини харид қилиш учун субсидия ажратилганда;
- тураг жой ижара компенсацияси белгиланган тартибда тўлаб берилганда;
- малакали тиббий хизмат қўрсатилганда;
- тўлиқ давлат таъминотига олинганда;
- аниқланган бошқа муаммолари қонуний ҳал этилганда;
- ўз аризасига кўра;
- «Ёшлар дафтари»га ноқонуний киритиш ҳолати аниқланганда;
- бошқа давлатларга ишлаш ёки доимий яшаш учун чикиб кетганда;
- суднинг озодликдан маҳрум этишни назарда тутивчи ҳукми қонуний кучга кирганда;
- аризачига қўмак бериш бўйича иш олиб бориш имконини бермайдиган бошқа ҳолатлар юзага келганда;
- аризачи вафот этган тақдирда.

Доимий ва вақтинча яшаш учун республиканинг бошқа худудига қўчиб ўтганда, доимий яшаш ва вақтинча тураг жойи бўйича рўйхатга олинган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмасдан «Ёшлар дафтари»га тегишли ўзгартиришлар киритилади.

Кейинги пайтларда келажагимиз эгалари бўлган ўғил-қизларимиз билан ишилашининг мутлақо янги тизими – «Ёшлар дафтари» ва «Ёшлар дастурлари» ҳаётга татбиқ этилмоқда. (Ш.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон – тараққиёт стратегияси. 50-бет)

Олиб борилган амалий ишлар натижасида 2021 йил «Ёшлар дафтари»га кирган 430 минг нафар йигит-қизнинг муаммоларини ҳал этиши учун 300 миллиард сўм маблаг ўйналтирилди. Жумладан, «Темир дафтар»даги оиласлар фарзандлари бўлган 2 мингдан зиёд талабанинг контракт нули тўлаб берилди.

Хусусан, 2022 йилдан «Ёшлар дафтари»да кўзда тутилган имтиёз ва енгилликлар энди 14-17 ёш оралиги даги 3 миллион нафарга яқин ўғил-қизларга ҳам татбиқ этилади. Имтиёзлар сони ҳам ҳозирги 11 тадан 25 тага кўпайтирилади. (Ш.Мирзиёев. 30 июнь – Ёшлар кунига бағишланган табриги. 2021–2022 йиллар)



46. Ёш оила деб қандай оиласла гайтилади?

Ёш оила – эр-хотиннинг иккиси ҳам ўттиз ёшдан ошмаган оила ёхуд фарзанд (бала) тарбиялаб вояга етказаётган ўттиз ёшдан ошмаган ёлғиз отадан ёки ёлғиз онадан иборат бўлган оила, шу жумладан, никоҳдан ажралган, бева эркак (бева аёл). Ушбу тушунча «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунида кўрсатилган.



47. Ёш мутахассис кимлар?

Ёш мутахассис – олий ёки ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасасини битирган, таълим муассасасини битирганидан сўнг олган ихтисослиги бўйича уч йил ичida ишга кирган ва маълумоти тўғрисидаги ҳужжатда кўрсатилган ихтисослиги бўйича ишлаётганига уч йилдан кўп бўлмаган ўттиз ёшдан ошмаган ходим. Ушбу тушунча «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунида кўрсатилган.



48. Ёшлар тадбиркорлиги.

Ёшлар тадбиркорлиги – юридик шахс ташкил этмаган ҳолда ёш фуқаролар томонидан, шунингдек, таъсисчилари ёш фуқаролар бўлган юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти. Ушбу тушунча «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунида кўрсатилган.



49. Жадидчилик қандай ҳаракат?

Жадидчилик – (араб. янғи) XIX аср охири XX асрнинг биринчи чорагида янги замонавий мактаб, матбаа ва тараққиётнинг илғор усул ва йўлларини ёқлаб чиқкан ижтимоий-маърифий ҳаракат. Жадидчиликни шакллантиришда кўплаб миллат зиёлилари фаол қатнашган. Жамиятни ўрта асрчилик иллатлари, қолоқлик ва мустамлака зулмидан, хурофотдан озод қилиш, ҳалқни замонавий тараққиёт йўлига олиб чиқиш, миллий давлатчилик асосларини бунёд этиш жадидчилик ҳаракатининг асосий мақсади эди. Туркистондаги жадидчилик ҳаракатига Беҳбудий, Мунавварқори, Фитрат, Чўлпон, Паҳлавон Ниёз Ҳожи, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода, Абдулла Қодирий, «Ёш буҳороликлар», «Ёш хиваликлар» ташкилоти раҳбарлари бошчилик қилишган. Бу ҳаракат ўзининг мазмун-моҳиятига кўра, XIX аср бошлирида мавжуд бўлган диний ислоҳотчиликдан фарқ қиласиди. Оғахий, Нодира, Аҳмад Доңиш, Турди, Махмур, Фурқат, Муқимий каби ижодкорлар мансуб бўлган авлоднинг қарашлари асосан маърифатпарварлик тамойилига таянар эди. Жадидлар эса нафақат маърифат, балки жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш, мавжуд тартибларни ўзгартириш йўлидан борди.



50. Жамият нима?

Жамият (араб. умумий) – табиатнинг бир қисми, борлиқнинг алоҳида шаклини ифодалайдиган фалса-

фий тушунча; одамлар уюшмасининг маҳсус шакли, кишилар ўртасида амал қиласидан кўплаб муносабатлар мажмуаси, ўзида моддийлик ва маънавийликни, объективлик ва субъективликни, табиийлик ва ижтимоийликни мужассамлаштирадиган тушунча. Илмий билимлар ва фалсафий тафаккурнинг ривожланиши билан жамият моҳиятини илмий асосда ўрганиш имконияти вужудга келган. Ватанимиздан етишиб чиқкан Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий сингари улуғ мутафаккирлар жамиятнинг пайдо бўлиши, моҳияти ва истиқболлари тўғрисида илғор илмий қарашларни илгари сурғанлар. Бу борада Фаробийнинг фозил жамиятни барпо этиш тўғрисидаги фоялари, Ибн Синонинг жамиятнинг пайдо бўлиши кишиларнинг бирдамликка бўлган табиий эҳтиёжидан келиб чиққанини, меҳнатнинг ижтимоий тақсимланиши жамият тараққиётининг асоси экани ҳакидаги фикрлари муҳим аҳамият қасб этади.



51. Жамият – ислоҳотлар ташаббускори қандай?

Ҳар бир тарихий даврда жамиятнинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, сиёсий ва ҳукуқий мавқеига мувофиқ равишда сиёсий бошқариш усули шаклланади ва амал қиласи. Демократик жамият бозор муносабатлари воситасида бошқарилади, давлат иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришга ёрдам беради, бунда ижтимоий рақобат, манбаатдорлик иқтисодий ривожланишининг муҳим қонунияти сифатида амал қиласи. Демократик давлат жамият маънавий ҳаётини такомиллаштириш, жамиятнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, илм-фанни тараққий эттириш ҳақида кўпроқ ғамхўрлик қиласи. Давлат жамият маънавиятининг ҳомийси сифатида таълим-тарбия соҳасида туб ислоҳотларни амалга оширади. Мустақиллик даврида Ўзбекистонда амалга оширилган ислоҳотлар ва демо-

кратик жамият қуриш тажрибаси жамият тараққиётини хуқуқий давлатсиз тасаввур этиб бўлмаслигидан дало-лат беради. Бу борада ижтимоий фаровонлик ва тотув-лик комил инсон шахсини шакллантиришга, фуқаролик жамияти асосларини яратишга, хуқуқий билим ва маданиятни ривожлантиришга боғлиқ жараён эканини кўрсатди. Бугунги кунда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, ҳаётни эркинлаштириш, фуқаролик жамиятини барпо этиш, демократик институтларни янада ривожлантириш мамлакатимиз тараққиётининг устувор йўналишидир.

«Жамият – ислоҳотлар ташаббускори» деган ёндашув кундалик фаолиятимизга тобора чуқур кириб бормоқда.

Инсон ҳар томонлама эркин ва фаровон яшайдиган янги давлатни барпо этишидек буюк ҳалқ ҳаракати тобора кенгаймоқда. Бундай қудратли сафда бўлишининг ўзи катта баҳт, катта шарафдир.

Бугун яхши ниятлар билан жуда катта марраларни ўзимизга белгилаб олмоқдамиз. Олдимиизда ҳар қачонгидан ҳам муҳим вазифалар турибди. Албатта, уларга эришиши осон кечмайди.

Ҳаётимизнинг турли соҳаларида муаммо ва камчиликларимиз ҳам етарли. Биз буларнинг барчасини ўзимизга яхши тасаввур этамиз. Йўлнимизда катта гов бўлиб турган тўсиқларни енгиб ўтиши учун бошлаган ислоҳотларимизни оғишмасдан давом эттирамиз. Шунуктаи назардан қараганда, янги даврда янада катта сафарбарлик билан ишлашимизга тўғри келади.

Ҳаёт олдимиизга яна кўплаб синов ва муаммоларни қўйиши мумкин ва биз ҳар қандай кутимаган ҳолатга тайёр туришимиз зарур. Лекин қанчалик сермашаққат ва мураккаб бўлмасин, демократик ислоҳотлар йўлидан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз. Олдинга, фақат олдинга қараб борамиз. Ва биз бунга ҳар томонлама қодирмиз. Чунки бугунги ҳалқимиз – кечаги ҳалқ эмас.

Бугунги Ўзбекистон ҳам – кечаги Ўзбекистон эмас.
(Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. 19-бет)



52. Ижтимоий давлат қандай давлат?

Ижтимоий давлат – жамият аъзоларининг мунтазам равишда ўсиб борадиган соғлом ижтимоий эҳтиёжларини қондириб борадиган, аҳоли турли қатламларининг мамлакат равнақи йўлидаги ижтимоий мўлжалларини кувватлайдиган, жамиятда барқарор ижтимоий-маънавий муҳитни таъминлаган давлатdir.

Бундай давлатнинг хусусиятлари Шавкат Мирзиёевнинг «Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси» китобида куйидагича асосланган: «*Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси – фуқароларнинг мамлакат ижтимоий – сиёсий ҳаётидаги иштирокини кенгайтириши, уларнинг орзу-интишиларини рӯёбга чиқарииш, илгор ташабbusларни амалга ошириши, ҳаётий муаммоларни ҳал этиши, турмуши даражасини юксалтириши, мустақил раввишда ўз моддий фаровонлигини ошириши учун етарли ва зарур шароитларни яратиш деганидир*».

Ижтимоий давлат жамиятнинг ҳар бир аъзосидан ижтимоий фаолликни, сиёсий жиҳатдан билимдонликни, тарбиявий томондан кучли эътиқодни талаб этади. Шунинг учун бугун ҳар бир фуқаронинг шахсий ташабbusлари, фуқаролик масъулияти, ижтимоий ҳаракатлари кенг қўллаб-қувватланмоқда. Қатор ҳаракат, ташабbusлар пайдо бўлмоқдаки, улар, шубҳасиз, бугун Ўзбекистонда ижтимоий давлатни барпо этиши, жамиятда янги маънавий маконни яратишдаги дадил қадамлар, дейишимиз мумкин.



53. Ижтимоий шериклик – нима?

Ижтимоий шериклик – бу давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижти-

моий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан, тармоқ, худудий дастурларни, шунингдек, норматив-хуқуқий хужжатларни ҳамда фуқароларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир.

Шунингдек, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ижтимоий шериклик субъектлари ҳисобланади.



54. Индикатор сўзининг маъноси?

Индикатор – сўзи лотинча «*indicator*» деган сўздан олинган бўлиб, «кўрсаткич», «мезон» деган маъноларни билдиради. У аслида техник термин бўлиб, кейинчалик бошқа соҳаларда ҳам кўлланила бошлаган. Ҳозирги даврда жамиятдаги ижтимоий-маънавий муҳит ҳолатини аниқлаш мақсадида ҳам бир қанча мезонлар ишлаб чиқилган. Бунда амалга оширилаётган тактик мақсадлар қай даражада стратегик мақсадга мос келаётганлигининг муҳим кўрсаткичлари аниқланади.



55. Инсон қадри тушунчасига изоҳ беринг.

Инсон қадри – улуғвор, кенг, серқатлам, мазмун-моҳияти улкан тушунча бўлиб, инсон бу дунёда ўз қадрига эга бўлиб яшагандагина тўлақонли ҳаёт кечиради, инсон бўлиб яшайди.

Мамлакатимиз раҳбари ўз нутқида бу тушунчани янада ёрқинроқ ва янада кўламлироқ ифодалади: «Инсон қадри деганда, биз, аввало, ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечиришини, унинг фундаментал хуқуқ ва эркинликларини таъминлашни назарда тутамиз.

Инсон қадри деганда, биз ҳар бир фуқаро учун муносаб турмуш шароити ва замонавий инфратузилма ташкил этишни, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизими, соғлом экологик муҳит яратиб беришни тушунамиз».



56. Ижтимоий маънавий муҳит нима?

Жамиятдаги ижтимоий-маънавий муҳит – кенг маънода одамларнинг ижтимоий-иктисодий ишлаб чиқаришдаги муносабатлари, ижтимоий-маънавий онгни белгиловчи омиллар мажмуи (макромуҳит). Тор маънода, инсон бевосита яшайдиган, меҳнат қиласидаги оила ва жамоа, ўқув даргоҳи, маънавият ва маданият масканларини ўз ичига олади (микромуҳит).

Демак, бугунги кунда жамиятимиздаги ижтимоий-маънавий муҳит соғломми ёки носоғломми деган масала бизни ўйлантирмоқда. Соғломлик даражасини қандай аниқлаймиз, соғломлаштириш механизмини яратилиши зарурми каби саволларга мутахассислар ўз жавобини бериши керак. Чунки бугунги кунда жамиятнинг ижтимоий-маънавий муҳитига юқорида келтирган иллатларнинг таъсирида одамлар ўртасида зиддијатлар келиб чиқиши эҳтимоли юқори.



57. Инсонпарварлик ғояси деганда нимани тушуниш лозим?

Инсонпарварлик – бу инсоннинг қадри, эркинлиги, баҳт-саодати, тенг ҳуқуқлилиги тўғрисида, инсонийликнинг барча тамойилларини юзага чиқариш учун шарт-шароитлар яратиб бериш ҳақида ғамхўрлик қилишни ифодаловчи ғоядир.

Ушбу ғоянинг моҳиятига кўра, дунёда энг қимматли нарса инсондир, бутун мавжудот, борлиқ инсонга, унинг баҳт-саодатига хизмат қилиши лозим. Инсон тақдири, халқ манфаатлари, мамлакат кишилари ҳақида ғамхўрлик инсонпарварликнинг асосий масаласидир.



58. Конференция – нима?

Конференция – муайян мавзуни муҳокама қилиш учун ташкилот, мутахассис, таниқли инсонлар иштирокида ўтказиладиган тадбир.

Конференцияда иштирокчилар учун тавсиялар берилиб, сўнгидаги қарор қабул қилинади. Халқаро конференциялар эса бу кўп томонлама дипломатик музокараларни қамраб олган тадбирдир.

Илмий жараёнларда конференция академик масалаларни муҳокама қиласиган, соҳадаги муаммоларга ечим берадиган ёки тадқиқотчи олимлар ўз ишларини тақдим этадиган йиғилиш саналади.

Конференция формат жиҳатидан каттароқ йиғилиш бўлиб, одатда у кенгроқ мухитда бир неча кун давомида бўлиб ўтиши мумкин. Конференция бир қатор тадбирлар (форумлар, семинарлар, ҳисобот тақдимотлари, дебатлар) ни ўз ичига олиши мумкин.



59. Концепция сўзининг лугавий маъноси ва умумий маънода қўлланилиши.

Концепция – лотинча «*conсерпсio*» сўзидан олинган бўлиб, ўзбек тилида «тўплаш, бирлаштириши», «мажмua», «тизим» тарзида сўзма-сўз таржима қилинса-да, «қарашлар, фикрлар йўналиши тизими; фикр юритиш, дунёни тушуниш, англаш усули» маъносини беради, яъни, бирор соҳага оид қарашлар, тамойиллар тизими, факт ва ҳодисаларни тушуниш, англаш ва изоҳлашнинг муайян усули, асосий нуқтаи назардир.



60. Мафкура ўзи нима?

Мафкура (араб. – *фикрлар мажмуи*) – муайян ижтимоий гурух, қатлам, миллат, жамият, давлатнинг манфаатлари, орзулари, мақсадлари ифодаланган қарашлар ва уларни амалга ошириш тизимиdir.

Унда манфаатлари ифодаланаётган гурух ва қатламларнинг ўтмиши, бугунги куни ва истиқболи ўз ифодасини топади. Мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур. Инсоният тарихида турли-туман мафкуралар бўлган. Турли халқлар ва ижтимоий кучларнинг ғоявий раҳнамолари, мутафаккир ва арбоблари ўзларининг

манфаат ва мақсадларидан келиб чиқиб мафкуравий таълимот ва дастурлар ишлаб чиқкан.

Мафкура қуйидаги вазифаларни ўз олдига қўяди:

- муайян ғояни одамларнинг онгига ва руҳиятига сингдириш;
- аҳолининг турли гурухларини бирлаштириш;
- кўзланган мақсад ва ниятларга эришиш учун одамларни сафарбар этиш;
- уларни маънавий-рухий рағбатлантириш;
- аҳолини, айниска, ёш авлодни ғоявий тарбиялаш ва мафкуравий иммунитетни шакллантириш;
- бошқа мафкуравий ва ғоявий таъсирлардан химоя қилиш ва шулар кабилар.



61. Мафкура қандай яратилади?

Мафкура – муайян фалсафий, диний таълимотлар асосида яратилади ҳамда маълум илмий қарашлар, ахлоқий тамойилларга таянади.

Мафкура ўз моҳияти ва таъсир кучига кўра, жамиятни бирлаштириши ёки уни бир-бирига қарама-карши тарафларга бўлиб юбориши, давлатнинг жаҳондаги обрў ва мавқенини ошириши ёки тушириши, халқларни юксакликка кўтариши ёки таназзулга дучор этиши мумкин.

Юксак мақсадлар, бунёдкор ғояларга асосланган мафкура ижтимоий – иқтисодий тараққиётга туртки бўлади, маънавиятни юксалтиради, инсонларни улуғвор ишларга сафарбар этади.

Озодлик, эркинлик, мустақиллик, инсон қадри, тинчлик, инсонпарварлик, ҳамкорлик ғоялари асосида шаклланган, эзгу мақсадларга хизмат қиласиган мафкура бунёдкорлик хусусиятига эга бўлади.

Ҳукмронлик, мустабидлик, тажовузкор, босқинчилик, экстремистик, ақидапарастлик ғоялари асосида шаклланган, миллат ва халқларни асоратга соладиган мафкура вайронкорлик хусусиятига эгадир.

Мафкуранинг диний, дунёвий, миллий, сиёсий ва бошқа кўринишлари мавжуд бўлиб, аксарият ривожланган мамлакатлар халқлари эркинлик, адолат, қонун, инсон хуқуqlари, миллатлараро ҳамжиҳатлик, диний бағрикенглик каби ғояларга асосланган мафкурага таянмоқда.



62. Мафкуравий иммунитет деганда нима тушунилади?

Мафкуравий иммунитет – шахс, ижтимоий гурух, миллат, жамиятни турли заарли ғоявий таъсиrlардан ҳимоя қилишга хизмат қиласидиган ғоявий-назарий қарашлар ва қадриятлар тизимиdir.



63. Мафкуравий плюрализм – нима?

Мафкуравий плюрализм – турли қатлам, партия, гурӯхлар манфаатларини ифодаловчи ғоялар, қарашлар, фикрлар хилма-хиллигидир.



64. Мафкуранинг таркибий қисмлари нима малардан иборат?

Муайян тизимга солинган (илмий, фалсафий, диний ва бошқа томондан асосланган) ғоялар, категориялар, тамойиллар мажмуи.

Мафкурадаги ғоялар, категориялар ва тамойилларни жамиятга татбиқ этувчи субъектив омиллар (мафкуравий муассасалар ва мафкурачи шахслар).

Ғоя ва категорияларни жамиятга татбиқ этиш жараённида қўлланилган йўллар, усуллар ва воситалардир.



65. Мафкуравий хавфсизлик дегани нима?

Мафкура, ғоя ҳар қандай жамият ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Чунки мафкура мавжуд бўлмаса, ҳар қандай жамият ўз танлаган йўлини йўқотиши мумкин. Қаерда мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура хукмронлик қиласи.



66. Мафқуравий хавфсизлик тизими элементлари нималардан иборат?

Хуқукий-меъёрий асослар, тузилмавий асослар, институционаллашув (ваколатлар тақсимоти), таҳлилий тузилма, куйи тизим.



67. Маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик – у қандай тушунча?

Маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик – давлат тузилмаларида тор гурухчилик манфаатларини биринчи ўринга қўядиган уюшмалардир.



68. Маънавий баркамол инсон деганда қандай одамни тушуниш мумкин?

Маънавий баркамол инсон – деганда, миллий ва умуминсоний маънавий қадриятларни чуқур эгаллаган ва унга амал қилган зиёли шахс тушунилади.



69. Маънавий бузғунчилик - нима дегани?

Маънавий бузғунчилик – умуминсоний ва миллий ахлоқ, қадрият, маданият, дин ва тарбия асосларига зид бўлган, инсон шахсининг тубанлашуви, ижтимоий, маънавий-ахлоқий меъёрларга риоя этмаслик, инкор этиш ёхуд уларнинг илдизларини емиришга қаратилган ёвуз хатти-харакатларни англатувчи тушунчадир.



70. Маънавий мерос нима?

Маънавий мерос – маънавий тараққиёт маҳсули, инсон ақл-заковати билан яратилган. Келажак авлодни эзгу тараққиёт сари етаклаш хусусиятига эга бўлган. Кишиларнинг онги ва дунёқарашининг ўсиши, оламни билиш ва ўзлаштириш борасидаги саъй-харакатларига куч-куват берадиган аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган азалий қадриятлар мажмуини ифодалайдиган тушунча.



71. Маънавий қарамлик дегани нимани англатади?

Маънавий қарамлик – инсон ва жамият онгу тафак-курининг бўйсундирилиши, қарам этилиши, маънавий тамойилларнинг заифлашуви, мустақил ривожлантириш имкониятларининг чеклангани, тараққиётдан ортда қолиш, ўзгаларнинг ғоявий-мафкуравий тазиёки оқибатида содир бўладиган салбий ҳолат ва жараённи ифодаловчи тушунча.



72. Маънавий таҳдид нима?

Маънавий таҳдид – инсоннинг қалбига, ички оламини тубдан ўзгартиришга, инсон қалби ва ҳиссиётларини эгаллашга қаратилган таҳдиддир.



73. Маънавий тарбия деганда қандай тарбия тушунилади?

Маънавий тарбия – юксак маънавиятни тарбиялаш воситаси, муайян шахс, жамоа, муайян гурух, жамият, миллатда жисмоний баркамоллик, руҳий, ахлоқий, маънавий етуклик каби сифатларни шакллантиришга қаратилган амалий таълим-тарбия жараёнини ифодаловчи тушунчадир. Инсоннинг жамиятда яшashi учун зарур бўлган маънавий хусусиятларини тарбиялаш унинг энг асосий қадрият сифатидаги моҳиятини таъминлайдиган қадриятдир.



74. Маънавият - нима?

Маънавият – сўзи арабчадан олинган бўлиб, маъни, маъно деган тушунчаларни беради ва инсоннинг ички олами тузилмасини, сийратини ифода этувчи тушунча ҳисобланади.



75. Маънавиятимиз учун энг катта хавф – бу?

Аксарият одамлардаги лоқайдлик ва бепарволик кучиб бораётганлигига.



76. Маънавиятли шахс қандай хусусиятларга эга бўлиши керак?

Маънавиятли шахс – деганда қонун устуворлигига, адолат принципларига амал қиласидиган, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғуналигига таянадиган, инсонийликни қадрлайдиган, ўзлигини анлаган, инсон қадр-қимматини энг олий қадрият деб биладиган, қалбан уйғоқ, мустақиллик тафаккурига, интеллектуал салоҳиятга эга бўлган инсонни тушуниш мумкин.

Шахснинг энг муҳим белгиларидан бири, унинг ўзини у ёки бу миллатга мансублигини ва фуқаролигини англаб етишидир. Яъни, ўзини муайян миллатга мансублигини ҳис этиши орқали миллий ўзлигини англаши, миллат манфаатларини тушуниб етишидир.



77. «Маънавият фидойиси» кўкрак нишони нима мақсадда жорий этилди ва у кимларга берилади?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон қарорига мувофиқ «Маънавият фидойиси» кўкрак нишони таъсис этилганлиги муносабати билан республикада маънавий-маърифий ишларни амалга ошириш, юксак ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантириш борасида фидокорона меҳнат қилган ва самарали натижаларга эришган фуқароларни рағбатлантириш мақсадида 2019 йил 30 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маънавият фидойиси» кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида»ги 897-сонли қарори билан ташкил этилди. Шунингдек, «Маънавият фидойиси» кўкрак нишонини Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги байрами арафасида топширилади.

Кўкрак нишони маънавий-маърифий ишларни юқори савияда амалга ошириш, юксак ижтимоий-маъна-

вий муҳитни шакллантиришдаги самарали меҳнати ва ибратли фаолияти учун давлат органлари ва ташкилотлар ходимларига берилади. (Ш.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон – тараққиёт стратегияси. 53-бет)



78. Маърифат нима?

Маърифат – (араб. – *билиш, маълумот, таниш, танишиш*) – табиат, жамият ва инсон моҳияти ҳақидаги билимлар, маълумотлар, таълим-тарбия ва маориф тизими мажмуини ифодаловчи тушунчадир.

Тор маънода маърифат билимли, маълумотли, маънавиятли инсонга нисбатан қўлланади. Кенг маънода кишиларнинг билими маданиятини оширишга қаратилган маориф ва таълим-тарбияга ҳам маърифат деб қаралади.



79. Менталитет нима дегани?

Менталитет – (лот. – *ақл, идрок*) – жамият, миллат, жамоа ёки алоҳида шахснинг тарихий таркиб топган тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, уларнинг ҳаёт қонунларини таҳлил этиш кучи, муайян, ижтимоий шароитларда шаклланган ақлий қобилияти, руҳий қувватини ифода этувчи тушунча ҳисобланади.



80. «Мехр» маҳсус операциялари нима?

«Мехр» маҳсус операциялари доирасида ҳалқаро террорчилик ташкилотлари сафига адашиб кириб қолган, уруши даҳшатларини бошидан кечирган юзлаб аёллар ва болалар куролли можаролар ҳудудидан юртимизга қайтарилди. (Ш.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон – тараққиёт стратегияси. 53-бет)

Адашиб, ёмон йўлга кириб қолган ватандошларимизга ёрдам бериш ҳамда Ўзбекистонда инсонпарварлик сиёсатини амалга ошириш мақсадида 2019 йилда «Мехр-1» ва «Мехр-2» операциялари амалга оширилди. Мазкур тадбирларда Яқин Шарқдаги куролли можа-

ролар майдонидан, Афғонистондан 261 нафар фуқаро, асосан аёллар ва болалар юртимизга қайтариб олиб келинган бўлса, 2020 йилнинг декабрь ойида «Мехр-3» тадбири давомида Суриядан 25 нафар аёл ва 73 нафар болалар олиб келинган эди. Ушбу йўналишдаги тадбирлар давомида 2021 йилда амалга оширилган «Мехр-4» операциясида эса 24 нафар фуқаро Афғонистондан Ўзбекистонга қайтарилган бўлса, «Мехр-5» операцияси натижасида Суриядаги уруш кетаётган «қайнок нуқтагарга» бориб қолиб, «Ал-Ҳол» лагерида 3 йилдан ортиқ вақт давомида ушлаб турилган 24 нафар аёл ва 69 нафар болалар Ўзбекистонга қайтарилди. Ушбу инсонпарварлик тадбирлари доирасида ўтказилган «Мехр 1, 2, 3, 4, 5» операциялари давомида жами 531 нафар фуқароларимиз Ватанимизга қайтариб олиб келиниб, уларга зарур бўлган тиббий ва моддий ёрдам кўрсатилди.



81. Миллий мафкура нима?

Миллий мафкура – ижтимоий мафкура шаклларидан бири, муайян миллатнинг этносоциал бирлик сифатида мавжудлиги ва ривожлантириши, эркин ва озод тараққиётини асослаш, таъминлашга қаратилган ғоявий-назарий қарашлар тизимиdir.

Миллий мафкуруни фақат бир миллат ёки халқнинг мафкураси деб тушуниш тўғри эмас. У муайян давлат ёки жамиятнинг умумий мафкураси ҳам бўлиши мумкин. «Миллий» тушунчаси нафақат муайян этник бирлик, балки «давлат» маъносини ҳам ифодалаш учун хизмат қиласи.



82. Миллий ғурур нима?

Бирор миллат вакилининг миллатга тегишли бўлган маданий ёдгорликлар, осори-атиқалар, миллий қаҳрамонлар, тарихий шахслар мавжудлигидан мамнунлик хиссиётларидир.

83. Миллий ғуурү деганда нима тушунилади?

Миллий ғуурү – шахс, ижтимоий гурухнинг муайян миллатга мансублигидан фахрланиш ҳисси. Бу туйғу ўзини ўзи англаш шаклларидан бири бўлиб, аждодлар қолдирган моддий, маънавий мерос, ўз халқининг жаҳон цивилизациясига кўшган ҳиссаси, қадр-қиммати, обрў-эътиборидан фахрланиш ҳиссини ифодалайди.

84. Миллий онг нима?

Фақат бирор миллатга хос бўлган миллий рухият, кайфият, туйғулар, қарашлар, назариялар ва ғоялар мажмуасидир.

85. «Миллий-маънавий қадриятлар» деганда нима тушунилади?

Муайян миллатга тегишли бўлган барча ахлоқий, диний, бадиий, хукуқий, сиёсий, маънавий мерос.

86. «Миллий – маънавий қадриятлар» қандай қадриятларни ўз таркибида олади?

Муайян миллатга тегишли бўлган барча (ахлоқий, диний, бадиий, маданий, хукуқий, сиёсий) маънавий меросни.

87. Мустақилликнинг маънавий заминлари деганда нималар тушунилади?

Мустақилликнинг маънавий заминлари қўйидагилар: миллий онг; миллий ҳис-туйғу; миллий бардамлик; миллий ўзлигини англаш ва бошқалар.

88. Мухторият сўзи қандай маънони англатади?

Мухторият (юонончадан олинган бўлиб, автономия – ўз-ўзини бошқарии деган маънони англатади) – конс-

титуцияда мустаҳкамлаб қўйилган ҳудудий ва сиёсий субъектларнинг давлат тузилмаси таркибида нисбатан мустақил фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга эканини англатади.



89. Нигилизим деганда нима тушунилади?

Миллат ва давлатнинг ютуқларига беписандлик билан қараш.



90. Нодавлат нотижорат ташкилотлар деганда қандай ташкилотлар тушунилади?

Нодавлат нотижорат ташкилоти – жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқарадиган ташкилотидир.

91. Психологик ҳимоя деганда қандай ҳимоя тушунилади?

Психологик ҳимоя – деганда, шахсни турли салбий таъсирлардан асраршга, руҳий дискомфортни бартараф этишга хизмат қилувчи ҳимояга айтилади.



92. Радикализм нима?

Радикализм – (лот. – *илдиз*) – сиёсий тузум ва ижтимоий иншоотларни тубдан ўзгаришишга қаратилган ғоя ва ҳаракатларни ифодаловчи сиёсий-диний оқимдир.

Радикализм умумэътироф этилган анъаналарга бутунлай зид муносабатда бўлиб, кескин ҳаракатларни ёклаб чиқади. Тарихда бу атама мўътадил ислоҳотлар тарафдорларига нисбатан ҳам қўлланилган.



93. Ренессанс нима? Нега Учинчи Ренесанс дейилмокда?

«Ренессанс» – сўзи французча «қайта түгилиши» деган маънони англатади. Атама сифатида унинг мазмунини анча кенг: маданиятда, илм-фанда, санъатда, таълим-тарбияда, умуман, жамият ҳаётида узоқ муддатли турғунликдан кейин қайта жонланиб, тез ривожланишини, ижтимоий онг ва қадриятлар тизими янги сифат босқичига чиқишини билдиради.

Илк бор атама Европада ўрта асрлар мутаассиблигидан кейин XV–XVI асрлардаги ривожланиш даврига нисбатан кўлланилган. Ренессанс аталмиш мазкур ижтимоий ҳодиса ўзбек тилида Уйғониш даври деб юритилади.

Мустақилликка эришгандан кейин дастлаб миллий тикланиш билан шуғулланишга тўғри келди. Эндилигда миллий тикланишдан миллий юксалишга ўтиш жараёнида, учинчи Ренессансга эришишни давлат раҳбари стратегик вазифа этиб қўйди.

Ҳақиқатан тарихан олганда биз икки Ренессансни бошдан кечирдик: биринчиси *IX–XII асрлар*, иккинчиси *XIV аср охирги чораги – XVI аср биринчи чораги*.

Биринчи Ренессансда юртимиздан Фарғоний, Хоразмий, Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғарий, Маҳмуд Замахшарий каби буюк даҳолар, буюк муҳаддислар – Бухорий, Термизий, мутакаллимлар – Мотуридий ва Абул Муин Насафий ҳамда бошқа атоқли дунёвий ва диний алломалар шуури оламни ёритди.

Иккинчи Ренессансда – Улуғбек, Ғиёсиддин Жамшид Коший, Қозизода Румий, Али Қушчи, Лутфий, Жомий, Навоий, Беҳзод, буюк меъморлар, бастакорлар, мусаввирлар, тарихчилар чиқиб, бугун ҳам дунёни лол қолдираётган асарлар яратди.

Хар икки Ренессанс даврида биз дунёнинг илғор, тарақкий этган халқлар қаторида эдик. Ушбу тарихий

анъянани давом эттириш мақсадида мамлакатимиздаги амалга оширилаётган барча ислоҳотлар Учинчи Ренесанс пойдеворини яратиш ва мустаҳкамлашга қаратилмоқда.

Ер юзидаги баъзи халқларгагина насиб этадиган бундай юксак кўтарилиш ва тараққиёт замонларининг ўзига хос Ўйғониш яъни Ренессанс даври, деб аталишининг сабаби ҳам шунда.

Бу даврларнинг одамларни бир мақсадд ийлида бирлаштирадиган ва сафарбар этадиган қудратли гояси, тараққиёт тамоийлари борлиги ҳам айни ҳақиқат. (Ш.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон – тараққиёт стратегияси. 5-бет)



94. Республика Маънавият ва маърифат маркази давлат органлари ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик йўналишида қандай вазифаларни амалга оширади?

Мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларнинг асосий йўналишлари бўйича давлат органлари, нодавлат ташкилотлар ва ишчи (эксперт) гурухларининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш, миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган заарарли ғоялар ва маънавий таҳдидларнинг моҳиятини ва аҳолининг турли қатламларига таъсирини ўрганиб бориши вазифаларини амалга оширади.



95. Республика Маънавият ва маърифат маркази илмий-тадқиқот йўналишида қандай вазифаларни амалга оширади?

Маънавий-маърифий ишларни амалга оширишнинг самарали ва таъсирчан тарғибот технологиялари ҳамда усулларини ишлаб чиқиш, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни ташкил этишга доир хорижий тажрибани ўрганиш, шунингдек, бугунги мағкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳ-

лил қилиш ва баҳолаш, маънавий тарбия ва ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни ташкил этиш, уларнинг натижалари амалиётга татбиқ қилинишини мувофиқлаштиради.



96. Стратегия сўзининг луғавий маъноси ва қўлланилиши.

«Стратегия» – сўзи юононча «*strategos*» сўзидан келиб чиқсан бўлиб, «генералнинг санъати» маъносини билдиради. XXI асрга келиб стратегия тушунчаси анча кенгайди.

Стратегия – деб, дунё миқёсида ва давлат ички ҳаётидаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳамда бошқа соҳаларда вужудга келадиган вазиятларни прогнозлаштириш ва бартараф этишга қаратилган бошқарувни ташкил этиш масалаларига доир тушунчаларни қамраб олади. Шундан келиб чиқиб, давлат стратегияси бир бири билан ўзаро боғлик, лекин алоҳида хусусият касб этувчи кўплаб тушунчаларда ифодаланади.

Шунингдек, стратегиянинг моҳияти тактик вазифаларни белгилашдан иборат. Сиёsat, стратегия ва тактика – стратегик раҳбарлик ва бошқарув жиҳатлари билан боғлик учта мустақил категориядир.

Уларнинг фарқи шундан иборатки, стратегия тасдиқланган ва амалга ошириш учун қабул қилинган бўлса, унинг жорий қилиниши стратегиялаштирилаётган обьектнинг маёғига айланади.

Тактика эса стратегик вазифаларни амалга ошириш бўйича кундалик, ойлик ва йиллик (жорий) режаларни ва уларнинг ечими бўйича тадбирларни тақозо этади.

Сиёsat – бу стратегия ва тактикани ягона самарали амал қилувчи тизимга агрегация ва интеграция қилинишидир.



97. Таҳдид нима?

Таҳдид – инсон, жамият ва давлат ҳаёти ҳамда фаолиятига нисбатан муайян давр мобайнида аниқ мақсад-га йўналтирилган маҳаллий, худудий, минтақавий ва умумсайёравий салбий омилларнинг тажовузи туфайли аниқ макон ва замонда вужудга келадиган хавф-хатар шакли, муайян бекарор сиёсий-ижтимоий ва тарихий вазиятни ифодаловчи тушунчадир.



98. «Темир дафтар» нима?

«Темир дафтар» – ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир ҳамда сектор раҳбарлари томонидан алоҳида назоратга олинган оиласаларни қайд этиш, муаммоларини аниқлаш, бартараф этиш ва назоратини олиб бориш бўйича маълумотлар базаси.

Темир дафтарга қўйидаги тоифадаги оиласалар киритилади:

- кам таъминланган оила, деб эътироф этилган оиласалар;
- ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган аъзолари мавжуд оиласалар;
- кам таъминланган якка-ёлғизлар ва кексалар;
- бокувчисини йўқотган эҳтиёжманд оиласалар;
- кўп (4 ва ундан ортиқ) фарзандли моддий кўмакка муҳтож оиласалар;
- меҳнатга лаёқатли ишсиз аъзолари мавжуд эҳтиёжманд оиласалар;
- тиббий ёрдамга муҳтож эҳтиёжманд оиласалар (сурукали ёки оғир ногиронликка олиб келувчи касалликка чалинган ва ногиронлик гурухи белгиланмаган аъзолари мавжуд етарли даромад манбаига эга бўлмаган оиласалар);
- нотурап жойларда истиқомат қилаётган, ўзи ёки биргаликда яшовчи оила аъзоларининг номида турар жой бўлмаган эҳтиёжманд оиласалар.

Бунда, агар юқоридаги тоифаларга мос келадиган оиласларнинг аъзолари мос равишида «Аёллар» ва «Ёшлар» дафтарларига ҳам киритилган бўлса, ушбу оиласлар рўйхати «Аёллар» ва «Ёшлар» дафтарларида юритилади.

Оиласларнинг ишсиз аъзолари бандлигини таъминлаш қуийдаги йўналишларда амалга оширилади:

– туман (шаҳар)лар ҳокимликлари томонидан инвестиция бўлимлари, аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари, тижорат банклари билан ҳамкорликда тармоқ ва худудий инвестиция дастурларига киритилган лойиҳаларда яратилаётган янги иш ўринларига ишга жойлаштириш;

– туман (шаҳар)лар ҳокимликлари томонидан аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари билан биргаликда мавжуд вакансия ва захира (квота) иш ўринларига ишга жойлаштириш ҳамда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш;

– туман (шаҳар)лар ҳокимликлари томонидан қишлоқ ҳўжалиги бўлимлари билан биргаликда кооперативларга жалб этиш, ғалладан бўшаган ерларда такрорий экин экиш ва оборотдан чиқиб кетган ерларни ўзлаштириш ҳисобига бандликни таъминлаш ва бошқалар.

Оиласларга томорқадан фойдаланишда қуийдаги йўналишларда ёрдам кўрсатилади:

- енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш;
- парранда, асалари, қуён, балиқ ва бедана боқишини йўлга кўйиш;
- «Томорқа хизмати» ташкилотлари ва «Дала дўконлари»ни ташкил этиш.

Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши томонидан тасдиқланган рўйхатлар асосида «Темир дафтар»га киритилган оиласларга «Саховат ва кўмак» жамғармаси маблағлари ҳисобидан бир марталик моддий ёрдам берилиши мумкин.

«Темир дафтар»дан оилалар қуидаги ҳолларда чиқарилади:

- бандлиги таъминланган ёки доимий даромад манбаига эга бўлганда;
- бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш орқали муаммоси ҳал этилганда оила аъзосининг розилиги билан;
- малакали тиббий хизмат кўрсатилганда;
- тўлиқ давлат таъминотига олинганда («Мехрибонлик», «Саховат» ва бошқа ихтисослаштирилган муассасаларга ўтказилганда);
- аниқланган бошқа муаммолари қонуний ҳал этилганда;
- ёлғиз яшайдиган эҳтиёжманд фуқаро озодликдан маҳрум этилганда ёки вафот этганда;
- оила аъзосининг мурожаатига асосан;
- «Темир дафтар»га ноқонуний киритиш ҳолати аниқланганда;
- бошқа давлатларга доимий яшаш учун чиқиб кетганда.

«Темир дафтар»га киритилган оилалар фарзандларига биринчи ўкув йили учун контракти тўлаб берилади.

– «Темир дафтар»га икки ва ундан ортиқ масалаларини ҳал этиш учун киритилган оилаларнинг барча масалалари тўлиқ ҳал этилиши дафтардан чиқариш учун асос бўлади.

– Доимий ва вақтинча яшаш учун республиканинг бошқа ҳудудига кўчиб ўтганда, доимий яшаш ва вақтинча турар жойи бўйича рўйхатга олинган кундан бошлаб 15 кундан кечиктирмасдан «Темир дафтар»га тегишли ўзгартиришлар киритилади.



99. «Учинчи Ренессанс» тушунчасининг миллий тояга боғлиқлиги нимада?

Миллий тоя аслида муайян халқнинг олий истиқбол мақсадини бир нечта сўзларда ёки иборада мужассам

ифодаловчи тушунчалар ёки шиор, иборадир. У халқни ўша мақсад йўлида бирлаштиради, сафарбар этади. Халқ барча саъй-ҳаракатларини, интилишларини, бунёдкорлик фаолиятини унга мувофиқлаштиради. Зарур бўлса, иқтисодий, ижтимоий муносабатларини, мамлакатнинг ҳуқукий, сиёсий, мафкуравий асосларини, таълим-тарбия тизимини чукур ислоҳ қиласди.

Миллий гоянинг *асосий вазифаларидан бири*, халқнинг жипслигини, бирлигини, мамлакатнинг ҳудудий яхлитлигини сақлаш ва мустаҳкамлашдир. *Иккинчидан*, миллатнинг олий мақсадини, ривожланиш марраларини, мўлжалларини умумий тарзда аниқлайди.

Миллий гоя жорий вазифаларни эмас, балки стратегик олий мақсадни ифодалайди. Шу маънода Учинчи Ренессанс гояси истиқболга интилишга жуда мос келади. Мазкур гоянинг сафарбарлик кучи, умуман, мафкуравий салоҳияти жуда юқори. Айни чоғда ўтмиш тарихимизнинг шонли сахифалари, буюк аждодларимизнинг бунёдкорлик ва ижодкорлик салоҳияти билан боғланади. Бизга мазкур тушунча кимларнинг ворислари эканимизни эслатиб туради.



100. «Янги Ўзбекистон – Учинчи Ренессанс сари» деган гоя қандай мақсадни кўзлайди?

«Янги Ўзбекистон – Учинчи Ренессанс сари» деган улуғ мақсад давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини комплекс ривожлантиришни назарда тутади.



101. Янги маънавий макон нима?

Президентимиз таъкидлаганидек, «... *Менинг назаримда, у – биз орзу қилаётган янги Ўзбекистоннинг маънавий қиёфаси яқъол акс этадиган, халқимиз интилаётган ва эл-юртимиз баҳтиёр яшайдиган маърифатли жамиятдир*

. Ҳақиқатан ҳам, бугунги янгиланаётган Ўзбекистонда барча соҳаларда кечаётган ислоҳотлар

тақдири, миллий тараққиётимиз жамиятнинг маънавий қиёфасига боғлиқ. Биз бугун ярататтган янги маънавий макон қачон ўз натижасини кўрсатади? Қачонки биз та-факкурдаги ҳафсаласизлик, маънавий ҳаётдаги мудроқлик, ўз шахсий мақсадларимизни жамият ижтимоий мўлжалига уйғунлаштиришдаги нўноқлигимизни бар-тараф этсаккина бундай маконга эга бўламиз.



102. Янги Ўзбекистон орзуси.

Ҳар бир халқнинг ўз орзу-истаклари бўлади. Келажак учун режалар тузади. Мана шу орзуси билан ҳаракатланади. Дунёнинг энг ривожланган давлатларининг орзуларини мужассам этган умуммиллий ҳаракатлантириш ғояси сифатида йиллар мобайнида давом этиб келмоқда. Масалан, «Америка орзуси», «Япония орзуси» кабиларда кўришимиз мумкин. Демак, Янги Ўзбекистон орзуси ҳам, жаҳондаги миллий тараққиёт ғояларини ўзида жамлаган бошқа ижтимоий ҳодисалар каби, асрлар давомида шаклланиб келмоқда. Бугунги кундаги Янги Ўзбекистоннинг орзуси: маърифатли жамиятни барпо этиш, ҳар соҳада жаҳон оммаси олдида юксак ютуқларга эришиш, халқнинг эркин ва фаровон яшаши, юртнинг тинч-тотув бўлиши, миллатлараро тутувликни таъминлаш кабилардир. (Ш.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон – тараққиёт стратегияси. 14-бет).



103. Янги Ўзбекистон феномени.

Феномен сўзи – (юононча) «*содир бўлмоқ, кўрсатмоқ*» маъноларини англатади. Яъни нооддий ҳодиса, ноёб факт, тушуниш қийин бўлган ҳолат мазмунини ташкил этади.

Муайян халқ ёки давлат ҳаёти учун гоят муҳим аҳамият касб этадиган бирор-бир феномен ёки у ҳақидаги тушунча ва тамойиллар ўз-ўзидан, осонгина пайдо бўлмайди ва тасодифан дунёга келиб қолмайди.

Шу маънода, ҳар қандай ҳодиса, тушунча ёки атаманинг ўзига хос шаклланиш жараёни бор. Янги Ўзбекистон феномени ҳам бундан мустасно эмас.

Ушбу тушунча мамлакатимизнинг замонавий қиёфасини шакллантириш, юртимида демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш борасидаги ислоҳотларимизнинг таянч ғоясини ифода этади.

Ана шу гоя асосида юртимида «Янги Ўзбекистон – Учинчи Ренессанс сари» деган шиор сурилаётгани ҳам бежиз эмас.

Биз орзу қилган ва қатъий интилаётган Янги Ўзбекистон, аввало, ҳалқимиз ўз миллий тараққиётининг янги даврига қадам қўйганини, жсаҳон ҳамжасиятидан муносиб ўрин эгаллаётгани, бу борада олдимизда кўпладаб янги имкониятлар пайдо бўлаётганини англатадиган тушунчадир. (Ш.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон – тараққиёт стратегияси. 25-бет).



104. Халқлар дўстлиги куни қандай кун?

Миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни янада мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишларни амалга оширмоқдамиз. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Халқаро дўстлик куни деб белгиланган 30 июль санасини юртимида «Халқлар дўстлиги куни» деб эълон қилдик ва 2021 йили уни кенг нишонладик. Ишончим комилки, бу байрам эзгу анъанага айланиб, ҳалқимизни жонажон Ватанимиз байроғи остида янада жисплаштиришига хизмат қиласди. (Ш.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон – тараққиёт стратегияси. 53-бет).

Президент Шавкат Мирзиёевнинг парламентга йўллаган Мурожаатномасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг резолюцияси билан ҳар йили 30 июль – Халқаро дўстлик куни сифатида кенг нишонланишини инобаттга олиб, ушбу санани Халқлар

дўстлиги куни деб белгилаш таклифини берди. 2021 йил 10 февралда Ўзбекистон Республикасининг «Халқлар дўстлиги кунини белгилаш тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан зиёд миллат ва элатлар ҳамда 16 та диний конфессия вакиллари истиқомат қилиб, 141 та миллий-маданий марказ ва 36 та дўстлик жамияти фаолият юритмоқда.

Мамлакатимизда Халқлар дўстлиги кунини нишонлашдан асосий мақсад – турли миллат ва элатлар ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлашдан иборат. Ушбу кунда Ватанимизда истиқомат қилаётган барча миллатларнинг ўз урф-одатлари ва асрий қадриятлари янада эъзозланади, эзгулик, бирдамлик, тинчлик ва осойишталик тараннум этилади.



105. Халқ қабулхоналари нима?

Халқ қабулхонаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг фуқаролар хуқуқларини ҳимоя қилиш, мурожаатлар билан ишлашни назорат қилиш ва муовификлаштириш масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлинмалари тузилмаси таркибига киради, юридик шахс ҳисобланмайди, ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлмайди, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда ўз номидан бошқа шахслар билан фуқаролик-хуқуқий муносабатларга киришиш ҳуқуқига эга эмас.

«Халқ қабулхоналари»га конституциявий мақом берниш ва улар тўғрисида алоҳида қонун қабул қилишининг вақти келди.

Ушибу йўналишидаги барча ишларимизнинг самараси халқимизнинг оғирини енгил қилиш, унинг орзу-умидларини рўёбга чиқаришга қаратилган фаолиятнинг нақадар тўғри ташкил этилгани ва натижадорлигига боғлиқлигини асло унумаслик лозим. (Ш.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон – тараққиёт стратегияси. 76-бет).



106. «Форум» – бу қандай тадбир ва уни ўт-казишдан мақсад нима?

Форум – минтақавий ёки глобал муаммоларни аниқлаш ва муҳокама қилиш учун ўтказиладиган тадбирдир.

Форумнинг асосий мақсади – бу муҳокама. Яъни, форумни муҳокама, мушоҳада майдончаси деб аташ мумкин.

Форумда мавзуга оид ғоялар кўтарилиб, фикр алмашилади. Бу тушунча мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, экологик ва бошқа кўплаб соҳаларида қўлланади.

Одатда, форум расмий ва норасмий тарзда, асосан эркин форматда бўлиб, унда ҳар ким ўз фикрини билдириши мумкин.



107. Фуқаролик жамияти нима?

Фуқаролик жамияти – жамият тараққиётининг аввалги босқичларида давлат ҳокимияти органлари баҗариб келган бир қанча вазифаларни жамоат ташкилотлари зиммасига ўтиши, давлат фаолияти устидан ижтимоий назорат ўрнатилишидир.



108. Фуқароларга психологик босим ўтка-зишга уриниш ўз ичиға нималарни қамраб олади?

Миш-мишларни тарқатиш, носоғлом кайфият туғдириш, турли ижтимоий гурухлар орасида душманона кайфиятларни – миллатчилик, расизм, диний экстремизм ва фанатизмни юзага келтириш.



109. Ҳозирги даврда мафкуравий жараёнлар қандай хусусиятларга эга?

Интерфациялашиш, глобаллашиш, дифференциялашиш;

демократиялашиш, миллий чегаралар қилиб қўй-маслик, инсонпарварлашиш;

жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларига таъсир кўрса-тиш, сиёсийлашиш;



110. Ҳуқуқий маданият – тушунчаси нима-ни англатади?

Ҳуқуқий маданият – муайян жамиятда мавжуд ҳуқуқ нормаларига, қонун-коидалариغا, тартибга бўлган муносабат ва унга амал қилинишини англатади.



111. Ўзбекистон самарали парламентаризм институти фаолияти қандай?

Олий Мажлис – қонун чиқарувчи орган ҳисобланиб, у юқори ва қуий палаталарга бўлинади.

Олий Мажлис қонунлар муҳокамасига кенг халқ оммасини жалб қилиш, бунинг учун замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, жумладан, Интернет тармоғида маҳсус «майдон»лар ташкил этилмоқда. Олий Мажлисдаги қонунлар муҳокамасига бағишланган йиғилишлари тўғридан-тўғри интернет тармоғи орқали узатилмоқда.

Олий Мажлис хузурида Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институтини парламентнинг истиқболли режа ва дастурларини ишлаб чиқадиган, бу жабҳадаги турли таклифларни таҳлил қиласиган ва зарур тавсиялар берадиган илмий марказга айлантирилмоқда.

МУНДАРИЖА

1. «Авесто» қандай китоб ва нималар тўғрисида маълумот беради? ...	6
2. «Аёллар дафтари» қандай дафтар ва унга кимлар киритилади?	7
3. Ахборот – нима?	11
4. Ахборот олиш эркинлигининг асосий принциплари нималардан иборат?	12
5. «Ахборот уруши» нинг асосий вазифалари нималарда намоён бўлади?	12
6. Ахборот урушининг хусусиятлари нималардан иборат?	13
7. Ахборот хавфсизлиги – нима?	13
8. Ахборот хавфсизлигини тъзминлашнинг асосий вазифалари нималардан иборат?.....	13
9. Ахлоқ нима?.....	13
10. Бадийй ғоя нима?.....	14
11. Бағрикенглик нима?	14
12. Биз ёт ғояларга қарши қандай курашмоғимиз лозим?	14
13. Бунёдкор ғоялар нима?	14
14. Бунёдкор илмий дунёйий ғоялар нима?	15
15. Бунёдкор диний ғоялар нима?.....	15
16. Буюк давлатчилик шовинизми деганда нима тушунилади?.....	15
17. Бузгунчи мағкура нима?	15
18. Бўлиб ташлаб, хукмронлик қилиш нима дегани?.....	16
19. Бўшлиқ нима?.....	16
20. Вайронкор ғоялар деганда нимани тушунасиз?.....	16
21. Ватан деганда нимани тушунасиз?	17
22. Ватан манфаати нима дегани?	17
23. Ватан равнақи нима?.....	17
24. Ватанфурӯшлик нима?.....	17
25. Гегемонизм нима?	18
26. Геосиёсат нима?.....	18
27. Геостратегик манбаатлар қандай?.....	19
28. Глобаллашув нима?.....	19
29. «Гуманитар интервенция»ни амалга оширувчилар қандай мақсадларни кўзлайдилар?	19
30. Давлат нима?.....	20
31. Давлат байробги нима?	20
32. Давлат герби нима?	20
33. Давлат мадхияси нима?	21
34. Давлат тили нима?.....	22
35. Давлат чегараси нима?.....	22
36. Давлат бошқаруви нима?	23
37. «Давлат – инсон учун» тамойили – демократик ислоҳотлар мезоними?	23
38. «Давлат органлари – халққа хизмат қилишининг самарали воситаси» деган тамойил нима?	24

39. Демократиянинг ҳамма ҳалқлар ва мамлакатлар учун ягона мутлақ андозаси мавжудми?	26
40. Демократиянинг қандай тамойиллари бор?	26
41. Дин нима?.....	26
42. Етакчи нима дегани?	26
43. Ёшлар ким?	26
44. Ёшларга оид давлат сиёсати қандай?	27
45. Ёшлар дафтари нима ва унга кимлар киритилади?.....	28
46. Ёш оила деб қандай оиласа айтилади?.....	32
47. Ёш мутахассис кимлар?.....	32
48. Ёшлар тадбиркорлиги	33
49. Жадидчилик қандай ҳаракат?	33
50. Жамият нима?.....	33
51. Жамият – ислоҳотлар ташаббускори қандай?	34
52. Иктиомий давлат қандай давлат?	36
53. Иктиомий шериклик – нима?.....	36
54. Индикатор сўзининг маъноси?	37
55. Инсон қадри тушунчасига изоҳ беринг	37
56. Иктиомий маънавий мухит нима?	38
57. Инсонпарварлик фояси деганда нимани тушуниш лозим?	38
58. Конференция – нима?	38
59. Концепция сўзининг лугавий маъноси ва умумий маънода кўлланилиши.....	39
60. Мафкура ўзи нима?	39
61. Мафкура қандай яратилади?	40
62. Мафкуравий иммунитет деганда нима тушунилади?	41
63. Мафкуравий плюрализм – нима?	41
64. Мафкуранинг таркибий қисмлари нималардан иборат?.....	41
65. Мафкуравий хавфсизлик дегани нима?	41
66. Мафкуравий хавфсизлик тизими элементлари нималардан иборат?	42
67. Маҳаллийчилик ва уруг-аймоқчилик – у қандай тушунча?	42
68. Маънавий баркамол инсон деганда қандай одамни тушуниш мумкин?	42
69. Маънавий бузгунчилик – нима дегани?.....	42
70. Маънавий мерос нима?.....	42
71. Маънавий қарамлик дегани нимани англатади?.....	43
72. Маънавий таҳдид нима?	43
73. Маънавий тарбия деганда қандай тарбия тушунилади?	43
74. Маънавият – нима?	43
75. Маънавиятимиз учун энг катта хавф – бу?	43
76. Маънавиятли шахс қандай хусусиятларга эга бўлиши керак?	44
77. «Маънавият фидойиси» кўкрак нишони нима мақсадда жорий этилди ва у кимларга берилади?	44
78. Маърифат нима?.....	45
79. Менталитет нима дегани?	45

80. «Мехр» маҳсус операциялари нима?	45
81. Миллий мафкура нима?.....	46
82. Миллий ғурур нима?.....	46
83. Миллий ғурур деганда нима тушунилади?	47
84. Миллий оңг нима?.....	47
85. «Миллий-маънавий қадриятлар» деганда нима тушунилади?....	47
86. «Миллий – маънавий қадриятлар» қандай қадриятларни ўз таркибиға олади?.....	47
87. Мустақилликнинг маънавий заминлари деганда нималар тушунилади?	47
88. Мухторият сўзи қандай маъно англатади?	47
89. Ниглизим деганда нима тушунилади?	48
90. Нодавлат нотижорат ташкилотлар деганда қандай ташкилотлар тушунилади?	48
91. Психологик ҳимоя деганда қандай ҳимоя тушунилади?	48
92. Радикализм нима?	48
93. Ренессанс нима? Нега Учинчи Ренессанс дейилмоқда?.....	49
94. Республика Маънавият ва маърифат маркази давлат органлари ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик йўналишида қандай вазифаларни амалга оширади?	50
95. Республика Маънавият ва маърифат маркази илмий-тадқиқот йўналишида қандай вазифаларни амалга оширади?	50
96. Стратегия сўзининг лугавий маъноси ва кўлланилиши	51
97. Таҳдид нима?	52
98. «Темир дафтар» нима?.....	52
99. «Учинчи Ренессанс» тушунчасининг миллий фояга боғлиқлиги нимада?	54
100. «Янги Ўзбекистон – Учинчи Ренессанс сари» деган фоя қандай мақсадни кўзлайди?.....	55
101. Янги маънавий макон нима?	55
102. Янги Ўзбекистон орзуси	56
103. Янги Ўзбекистон феномени.....	56
104. Халқлар дўстлиги куни қандай кун?	57
105. Халқ қабулхоналари нима?.....	58
106. «Форум» – бу қандай тадбир ва уни ўтказишдан мақсад нима?.....	59
107. Фуқаролик жамияти нима?	59
108. Фуқароларга психологияк босим ўтказишга уриниш ўз ичига нималарни камраб олади?.....	59
109. Ҳозирги даврда мафкуравий жараёнлар қандай хусусиятларга эга?	59
110. Ҳукукий маданият – тушунчаси нима англатади?	60
111. Ўзбекистон самарали парламентаризм институти фаолияти қандай?	60

**ИЖТИМОЙ-МАЪНАВИЙ
ЖАРАЁНЛАРГА ОИД**
111 САВОЛГА 111 ЖАВОБ

Toшкент «Маънавият» 2022

Муҳаррир *Ислом Ҳудойқулов*
Рассом *Шуҳрат Соҳибов*
Мусаххих *Шоҳида Назарова*
Компьютерда тайёловчи *Шуҳрат Соҳибов*

Лицензия АI №189, 10.05.2011 йилда берилган.
Босишга 22.11.2022 йилда рухсат этилди. Бичими 84x108 ^{1/32}.
«Таймс» гарнитураси. Офсет босма усулида босилди.
Шартли босма табоби 3,36. Нашр табоби 3,14. Буюртма № 22-97.
Адади 1500 нусха. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриётида чоп этилди.
100047. Тошкент, Тараққиёт 2-берккӯча, 2-үй. Шартнома № 33–22.